

Қонун устуорлиги йүлида

ИНТЕРПОЛНИНГ ИМКОНИЯТИ КЕНГ

Республикамиз мустақиллiği шарофатла-ридан бири — Ички ишлар вазирлигининг Интерполга аъзо бўлиши-дир. Собиқ совет тузуми даврида бир-бирига ўт билан сувдек теска-ри бўлган икки тузум ху-кук-тартибот ходимлари эндиликда оға-ини бў-либ, жиноятчиликнинг ҳар қандай қўринишларига қарши биргаликда курашмоқдалар. Ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Натижада хукук-тарти-бот тизими энг замона-вий тёхника билан куролланиб, ходимларни дунё тажрибаси ва техникасини ўзлашти-рмокда. Бу эса ўз навбатида жиноятлар сонининг камайишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётiga асосланган хукукӣ демократик жамият куриш томон ташлаган даст-лабки одими — фуқароларнинг чет мамлакатларга эркин бориб-ке-лишларига имкон берилishi бўлди. Бозорларимиз чет эл маҳсулотлари билан бойиш ба-робарида ўзбекни, Ўзбекистонни дунё таниди ва тан олди. Яхши-нинг ёмон томони ҳам бўлганидек, эркин бозор муносабатларидан фойдаланган айrim юртдошларимиз чет элдан, сифатидан қатни назар, илохи борича ар-зон маҳсулот олиб келишга интилмоқдалар. Олиб келиб, сотаётган маҳсулотлари ватан-дошларимиз соғлигига қандай таъсир қилаёт-гани уларни қизиқти-ра маётири.

Фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш ва сав-до-сотикнинг айrim ту-рини тартибга солиш мақсадида 1997 йил 12 июнь куни Президенти-мизнинг «Спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини Ўзбе-кистон Республикаси ху-дудига акциз маркаси-зиз олиб киришини та-килаш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди. Лекин шунда ҳам ўз манфаатини ҳалқ ман-фаатидан устун қўювчи, бойлик ортириш йўли-да турли қалбакилик-лардан, фирромликлар-дан тап тортмовчи, ҳатто юк хужжатлари, бож-хона юк декларация-рини сохталаштирувчи инсонлар топилди. Шу-лардан бири сирдарё-лик Р. Кудашевdir.

Сирдарё вилоят про-

куратурасида Сирдарё вилояти божхона бошқар-маси бошлиги томонидан Р. Кудашевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси 1-қисми «а» банди билан «Божхона тўғрисидаги қонунларни буз-ганилиги» учун жиноят иши қўзатилди.

Жиноят иши материаларида кўрсатилишича, 1997 йил 30 август куни Р. Кудашев 28200 дона Финляндияда ишлаб чи-қилган ароқ маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз маркасисиз олиб келган.

Жиноят иши тергови жараёнида Р. Кудашев томонидан тақдим қилинган хужжатлар ва Финляндиядан олиб келинган 28200 дона ароқ маҳсулотларини кузатув хужжатларида улар Президентимизнинг юқоридаги Фармони чиқишидан олдинроқ жўнатилганини ва ушбу 28200 дона ароқ маҳсулотларининг жами баҳоси 5000 АҚШ долларига тенглигини кўрсатувчи хужжатлар мавжуд бўлган 28200 дона ароқ маҳсулотларини кузатув хужжатлари билан бойиш ба-робарида ўзбекни, Ўзбекистонни дунё таниди ва тан олди. Яхши-нинг ёмон томони ҳам бўлганидек, эркин бозор муносабатларидан фойдаланган айrim юртдошларимиз чет элдан, сифатидан қатни назар, илохи борича ар-зон маҳсулот олиб келишга интилмоқдалар. Олиб келиб, сотаётган маҳсулотлари ватан-дошларимиз соғлигига қандай таъсир қилаёт-гани уларни қизиқти-ра маётири.

Жиноят ишини холисона ва тўлақонли ҳал қи-лиш учун Финляндиядан олиб келинган «Консигнация шартномаси»нинг ҳа-қиқийлигини, мазкур шартноманинг спецификация қисмининг тузилма-ганилиги сабабларини, ушбу ароқ маҳсулотларига тўловлар қандай шаклда ва қай тарзда амалга оширилганлигини, Хельсинки шаҳридан жўнатилиш муддатини, маҳсулотларни қандай баҳода сотиб олинганини аниқлаш мухим эди. Шу муносабат билан Сирдарё вилоят прокуратуруни тегров өлдида турган муаммоларни ечишда амалий ёрдам сўраб, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюросига мурожаат қилди.

Савдо-сотик, тижорат ишлари ҳалолликни ёқтиради. Ҳалол топилган бир сўм пул ортидан юз сўмни етаклаб келса не ажаб. Тужкор Р. Кудашев ва унинг шериги Э. Мусаиловлар давлатни алдамоқчи бўлдилар. Лекин уларнинг фирром ишлари Интерпол миллий марказий бюросининг саъй-ҳа-ракати билан чиппакка чиқди. Бу саъй-ҳаракати ҳам осонликча амалга оширилганий ўй. Иккита шахснинг салкам икки ва-гонга юк бўлгулик ҳийла-ларини фош қилиш учун давлатнинг озимунча маблағи, ходимларнинг вакти сарф бўлдими.

Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюро-си «97-05-12-02» сонли Консигнация шартномаси-нинг ҳақиқийлиги юза-сидан Кипр Республика-сидаги «Волсол Трейдинг Ко ЛТД» фирмаси билан Интерполнинг шу Республикадағи миллий марказий бюроси орқали алоқа боғлаб, шартноманинг юқорида кўрсати-лан фирмада тузилма-

ганлигини аниқлади ва жиноят иши терговига за-рур бўлган маълумотларни тақдим қилди, — дейди Интерпол миллий марказий бюросининг директори милиция полковниги М. Хайтов. — Бундан ташқари, Республика Интерпол миллий марказий бюроси Финляндия Интерпол ММБ орқали Финляндия давлати Хельсинки шаҳридаги «Прималько ЛТД» фирмаси билан алоқада бўлиб, 28200 дона ароқ маҳсулоти жами 5000 АҚШ долларига эмас, 72000 АҚШ долларига сотиб олинганилиги аниқлади, ҳамда ароқ маҳсулотларининг кузатувчи хужжатлари билан божхона юк декларациясининг ҳақиқий нусхасидан кўчирма олиб, терговга тақдим қилдик.

1997 йил 30 август кунидаги 28200 дона Финляндия ароқ маҳсулотларини кузатувчи хужжатларидаги божхона юк декларацияси қалбаки эканлиги аниқланди. Шугина эмас, Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюроси Франция республикасидаги Интерпол миллий марказий бюроси орқали Франциянинг Марсел шаҳрига, Грециянинг «Перхауз» портига, Грузиянинг Поте портларига мурожаат қилиб, Финляндиядан олиб келинган 28200 дона ароқ маҳсулоти қачон жўнатилганини ҳам аниқлаш, ўз вақтида терговга тақдим қилди. Киритилган аниқликлар натижасида бу маҳсулотлар юқоридаги фармонга зид ра-вишда 1997 йил 18 июнь куни Финляндиянинг Хельсинки шаҳридан жўнатилгани аниқ далиллар билан исботланди.

Савдо-сотик, тижорат ишлари ҳалолликни ёқтиради. Ҳалол топилган бир сўм пул ортидан юз сўмни етаклаб келса не ажаб. Тужкор Р. Кудашев ва унинг шериги Э. Мусаиловлар давлатни алдамоқчи бўлдилар. Лекин уларнинг фирром ишлари Интерпол миллий марказий бюросининг саъй-ҳа-ракати билан чиппакка чиқди. Бу саъай-ҳаракати ҳам осонликча амалга оширилганий ўй. Иккита шахснинг салкам икки ва-гонга юк бўлгулик ҳийла-ларини фош қилиш учун давлатнинг озимунча маблағи, ходимларнинг вакти сарф бўлдими.

Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги миллий марказий бюро-си «97-05-12-02» сонли Консигнация шартномаси-нинг ҳақиқийлиги юза-сидан Кипр Республика-сидаги «Волсол Трейдинг Ко ЛТД» фирмаси билан Интерполнинг шу Республикадағи миллий марказий бюроси орқали алоқа боғлаб, шартноманинг юқорида кўрсати-лан фирмада тузилма-

кингир ишлари қирқ кунга етмай очилди. Уни фош этишда Интерпол тиниб-тинчимас ва тажрибали ходимлари мустаҳкамлашадар.

Киссадан ҳисса шуки, фуқароси соғлом мамлакат бадавлат ва мустаҳкамлашадар. Шуни ҳисобга олган юртбошимиз ҳар бир ишда эл-юрт манфаати, осоиишталиги ва саломатлигини биринчи ўринга қўймоқда. Биз, ҳаммамиз юртбошимиздан ўrnak олган ҳолда элим деб, юртим деб ёниб яшасак, ҳалоллик, поклик йўлдошимиз бўлса, нафақат юртдошларимиз, чет эллик ҳамкорларимиз олдида ҳам ер чизиб қолмаймиз.

Республикамиз қонунлари қаерда бузилса ҳам, уни аниқлаб, қонунбузарларнинг айбини исботлаб берувчи идора — Интерпол бор. Шунинг учун, чет элга чиқиб, савдо-сотик қилганингизда ҳам ҳалоллик ҳамроҳиниз бўлсин, токи Р. Кудашев ва Э. Мусаиловларга ўхшаб соҳтакорлигиниз очилиб, ҳам мол-дунёнгиздан, ҳам обрўингиздан ажраб қолманг, деймиз.

Жиноят иши Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар судида кўрилиб Кудашев ва Мусаиловлар уч йилдан ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиб, 72000 АҚШ доллариллик 28200 дона ароқ маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Республикамиз ИИВ Интерпол миллий марказий бюроси ходимларига раҳмат, — дейди Сирдарё вилояти прокурори З-даражали адлия маслаҳатчиси Ф. Раҳимов. — Улар ўта мураккаб ва муаммоли тергов ишининг жумбоқларини ҳолисона ва аниқ ҳал қилишимизда бебаҳо ёрдам берди. Ўлайманики, бу чет элдан мол олиб келиб, сотиша турли қўйилвилкларига қўй уришга майил шахслар учун ибрат бўлади. Эндиликда жиноятнинг илдизи қай мамлакатга етиб бор-масин, уни зумда қўлга олишга қодир Интерпол бор. Бу ҳамкорликнинг ишимиздаги чигалликларни ечишда жуда кўп ёрдами тегмоқда. Унинг узун қўллари дунёнинг исталган бурчагига етишга қодир.

**Шаҳзодаҳон
ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

ИҚТИСОДЧИЛАРНИНГ НИЯТИ - МУЛКНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАШ

Андижон шаҳрида ички ишлар идоралари назорат-тафтиш фаолиятлари-нинг ярим йиллик якунлари ва молиявий интизомни янада мустаҳкамлашадар бўлиб ўтган республика семинар-кенгашининг шиори ана шундай эди.

Семинар-кенгаши республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори К. Бурхонов очди ва бошқарди. Маърузачи анжуман иштирокчиларини республикамиз ички ишлар идораларининг молия тизимларида бўлаётган ўзгаришлар, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, иш тажрибалари билан алмасиши, пировардида йўл қўйилган камчиликлар хақида батафсил тұхтади.

Республика ИИВ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат подполковники Ў. Ахмедов молия-иқтисод фаолиятини янада такомиллаштириш йўллари, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, мулкни кўз қорачигидек асраш мухим ва зарур вазифалар эканлигини ўз сўзида алоҳида кайд этиб ўтди.

Семинар иштирокчилари Андижон вилоятининг диккатга сазовор жойлари, жумладан, Асакадаги «ЎзДЭУ-авто» кўшма корхонасида ҳам бўлдилар.

С. АХМАДЖОНОВА.

Халқаро алоқалар

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Тошкент шаҳар Ички ишлар Боз бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Эркин Норсодикович НОРГИТОВ раҳбарлигидаги пойтакт милиция делегацияси ўзаро тажриба алмасиши учун учунлик сафар билан АҚШнинг Техас штатидаги Сан-Атонио шаҳри полиция бошқармасида бўлишади.

Мехмонлар кун тартибида белгиланган масалалар юзасидан ўзаро Фикрлашиб олишадилар. Уларга сафар чоғида Сан-Атонио шаҳри полиция бошқармаси бошлиғи жаноб Эл. А. Филиппус ва бошқа масъул шахслар ҳамкорлик қилишади.

Сафардан кўзланган мақсад ҳалқаро жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ички ишлар тизимларига техник ёрдам кўрсатиши, хукук-тартиботнинг ўрнатилишини назорат қилиш, жиноят жойини ўрганиш ва бошқа масалаларда тажриба алмасишидан иборат.

Мехмонлар сафар чоғида Академияда бўлишиб, у ерда пойтакт милицияси ходимлари малака ошириш учун тайёргарлик кўрадиган ўкув бинолари ва ўқитишилари, шунингдек, шаҳарнинг диккатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Ўз навбатида АҚШ полицияси делегацияси ҳам амалий ташриф билан пойтакт ички ишлар Боз бошқармасига келишади. Бу ҳақда кейинроқ хабар берамиз.

**Мирза
АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар
ИИББ ходими.**

МИННАТДОРМИЗ!

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБнинг катта нозири Алишер Файзиев шу йил 7 март куни бедарак йўқолган синглимиз Гулчеҳра Еримбетованинг дараги ва унинг қотилини тошида ўз куч, билими ва тажрибасини аямади. Биз бутун оила аъзоларимиз номидан А. Файзиевга чукур миннатдорчилик изҳор этамиз.

Замира ЕРИМБЕТОВА.

Тандирдан ҳозиргина узб көлтирилган иссик бўрсилдоқ нонларни бир кўз олдингизга көлтириг. Улардан бирини уштар эканси, хушбўй хид димогингизга урилиб, новвой қаторида дон етишираётган дехқонни ҳам эслаб кўясиз. Дастурхонимиз кўрки, файзи шуларнинг баракали меҳнатига ҳам боғлик. Галла пишиб етилгач, у дастурхонимизга неъмат бўлиб етиб келгунча яна бир фидойи кишиларни улуши кўшиладики, бу хакда ҳар қанча гапирсак арзийд. Булар — ўз ҳалқи ва Ватанига хизмат килишдек мұқаддас бурчни нондек азиз, мўтабар деб билгап поспонларимиздир.

Эҳтимол ҳозир айни долзарб мавзу бўлгани учундир, таҳриятимизга келган мактубларни таҳлил этаётганда, беихтиёри биринчи бўлиб фалла ўрим-ийғими билан боғлик хат-хабарларга кўз юргутиридик. Улар тайгина.

Навоийлик жамоатчи муҳбиримиз Ш. Нурбоев бизга йўллаган мақола-

НОНДЕК АЗИЗ, МЎТЬТАБАР

сини «Олтин бошоқлар — ишончли қўлларда» деб номлабди. Муаллифнинг ёзишича, Кизилтепа тумани ИИБ раҳбарияти томонидан галланинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд килмай, талон-торожликларсиз йигишириб олиш учун кенг миқёсли тадбирлар ишлаб чиқилган. Кўриклиш, ДАН, ППХ ва бошқа хизматларнинг ходимлари ўз вазифаларини бажариш билан бирга, ушбу масъулиятли мавсумда ҳам иштирок этишагни.

«Халқимизда «Мол оласи сиртида — одам оласи ичиди» деган мақол бежиз айтилмаган экан, — дея куюнчанлик билан ёзди ички ишлар идоралари фаҳриси А. Болхиев. — Кимлардир ҳалол меҳнат килсаю, бошқа бировлар нопок йўл билан бойлик орттироқчи бўлса, буни яна қандай изоҳлаш мум-

кин? Шундайлардан бири Жомбой тумани, Дўстлик жамоа хўжалиги, Ширинкент қишлоғида яшовчи А. Мардондир. У ўзига бириклирилган «КамАЗ» русумли машинасида дон ташиётib, 300 килограмм бугдойни ўмарётганда «Кўриклиш» бўлинмасининг зирак ходимлари Али Ходиров ва Хуршид Раҳмонловар томонидан ушланди».

Галла ўрим-ийғими қандай бораётганилиги тўғрисидаги хатларни Тошкент туманидан X. Ёқубов, Сурхондарё вилояти, Денов туманидан B. Кобилов, Жиззах вилояти Пахтакор туманидан T. Қоржовов, Тошкент вилояти Тўйтепа шахридан X. Тўхлиев ва бошқалар ҳам йўллашган.

Одатда киши бирор нарсадан мамнун бўлса ёки кўнглига ғашлик инса, дилини кимгadir очгиси келади. Жилла бўлмаса туйгу-

ларини ҳат орқали ифодалашга ҳаракат киласди. Фузор туманида яшовчи кекса муаллим Розия ая Абдураҳмоновнинг мактубини ўқиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдид. У киши шундай ёзди. «Якинда бир иш билан туман ички ишлар бўлими бошлиги Нафасжон Мусурмоновнига хузурига бордим. Барака топгур самимий, дилкаш инсон экан. Каттаю кичикини бирдек кўради. Ҳожатмени чиқарганидан жуда мамнун бўлдим. Менинчарахбар учун эл назарига тушишдан ёртиқ бахт бўлмаса керак».

Ўзбекистон Республикаси ИИБ қарашли Наманган физиотерапевтик шифохонасида даволаниб чиқсан В. Улугбоеев бир гурӯх фаҳрийлар номидан беморларга беминнат хизмат кўрсатётган жамоага газета орқали раҳматнома айтишимизни илтимос қил-

ган. Паркентлик Феруза Рўзиева эса шу йил 6 ой давомида болалар ўртасида жиноят содир этилмаслигига эришган, Паркент тумани ИИБ юяга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги фаолияти ҳақида хикоя қилган. Бундай ютуққа туман халқ таълими бўлми, «Камолот» ёшлар жамғараси, Мехнат биржаси, маҳалла қўмиталари билан яқин ҳамкорлик қилинаётгани туфайли ёришилганини алоҳида таъкидлаган.

Мактублар маъзуси ранг-баранг. Сурхондарёлик жамоатчи муҳбиримиз М. Раҳимова Узун тумани ички ишлар бўлими ходимлари бир аёл кийимлари орасига яширган 900 грамм геронини олишгани ҳақида хабар беради. Самарқанд вилояти ИИБ ЖСБ руҳсат бериш тизими гурухининг катта нозири, милиция капитани K. Файзиев ўз хатида ўқотар ку-

ролларни сақлаш қоидари ва бу борадаги айрим қонунбузарликлар хусусида фикр юриттан.

Дарвоқ, бошқотирмалар ҳақида. Ҳозир бollaхонларимизнинг ёзги таътил пайти бўлгани учун кўпроқ улар топкирлик машҳарига жавоб йўллашга ҳаракат қилишагни. Шу ўринда тошкентлик Дилюшод Илёсов, Санжар ва Шерали Косимовлар, Александр Кольцов, Васила Бурхонова, Чимкент шаҳри Сариоғоч туманидан A. Имонбоев, чинозлик Насиба Норинбоеva, қашқадарёлик Шаҳноза Худойбердиева, Самарқанд вилояти Гўзлакент туманидан Маржона Жумаева, сирдарёлик Курбонбой Кўлдошевлардан бошқотирмалар юзасидан тўғри жавоб топилган хатларни истардик.

Биз куончак муштариликларимизга миннатдорчиллик билдириган ҳолда улардан турли мазмундаги хат-хабарларни кутиб қоламиз.

Мукаррам ЁҚУБОВА.

Сўраган эдингиз...

САЁҲАТИНГИЗ КЎНГИЛЛИ БЎЛСИН!

Муштариликларимизнинг саволларига батафсил жавоб беришни Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиши, келиш ва фуқаролик бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элга кетишинларини ташкиллаштириш бўлимининг бошлиги, милиция подполковники Абдувоҳид Баҳрамович АЪЗАМОВдан илтимос қилдик.

«Хурматли таҳририят!

Ёзги таътилимизда дугоналарим билан чет эл саёҳатига чиқиши ният қилганимиз. Чет элга сайёҳ сифатида чиқиши тартиби ҳақида газета орқали маълумот берсангиз.

**Салимаҳон БУРХОНОВА,
Наманган вилояти,
Янгиқўргон тумани.**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблейсининг 1948 йилда қабул қилган Умумий Декларациясида инсоннинг эрк ва хукукларини ҳимоя қилиш тартиб-қоидалари ифодалаб берилган. Бу тартиб-қоидалар республикамиз Конституциясида ҳам ўз аксини топган. Бундан ташқари, республикамиз Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 8-сонли «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришиларни тартибини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомга мувофиқ, республика Ташкишларни вазирлиги томонидан берилади.

Дипломатик паспорtlар билан сайёҳ сифатида чет элга боришиларни тартиби ҳақида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сайёҳ сифатида чет элга әркин бориши ҳукуқига эга. Бу тартиб чиқиши ҳужжатларини расмийлаштириш талаб қилинмайдиган МДХга аъзо мамлакатлардан ташқари, хориж давлатларига боришига жорий қилинади.

Чет элга бориши учун зарур бўлган паспорт Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлар идоралари томонидан берилади.

Дипломатик паспорtlар билан сайёҳ сифатида бормоқчи бўлсангиз, уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари (ёки васий, ҳомийлари) турар жойларидаги ишлар идорасига илтимоснома билан бирга 2 нусхада сўров аризаси, туғилганлик ҳақидаги аризанинг нота-

билан бирга јашаш жойингиздаги ички ишлар идоралари тармоқаат қиласди. Ички ишлар идоралари ариза-анкетангизни ўн беш кун ичиди кўриб чиқиб, паспортизига иккى йил мобайнида чет элга бориши ҳукуқини берувчи белги қўяди. Иккى йил ичиди сиз ички ишлар идоралари тармоқаат қиласдан бир неча марта чет элга боришингиз мумкин.

Чет элга бориши фуқаролар хориж давлатнинг визасини олиш учун тегишили давлатнинг элчихона ва консулият ва колатхоналарига муроҷаат қиладилар.

«Чет элга болаларимизни ҳам олиб борсак бўладими?»

**Набирахон ЭГАМБЕРДИЕВА,
Уйчи тумани.**

— Агар ўн сакизга тўлмаган болаларни бирга олиб кетмоқчи бўлсангиз, уларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари (ёки васий, ҳомийлари) турар жойларидаги ишлар идорасига илтимоснома билан бирга 2 нусхада сўров аризаси, туғилганлик ҳақидаги аризанинг нота-

риус тасдиқлаган нусхаси, ота-оналар (vasiy, ҳомий)нинг нотариус тасдиқлаган розилик хати, давлат божи тўлғанланги ҳақидаги чипта ва 3,5x5 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат топширадилар.

Хужжатлар белгиланган тартибда кўриб чиқиб, чет элга чиқиши учун рухсатнома бериш ҳақида хулоса чиқарилиб, боланинг ота-онасига маълум қилинади. Маълумотнома асосида доимий яшаб турган ИИБ паспорт бўлмидан болага Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти берилади. Паспорта Хорижга чиқиши келиш ва фуқаролик хизмати ходимлари томонидан 2 йил муддатга чет элга чиқиши мумкинлиги ҳақида белги кўйилади. Унинг ота-онасидан вояга етмаган бола чет элдан қайтган заҳоти паспорти чет эл сафари ҳужжатлаштирилган жойдаги ИИБга топширилиши шартлиги ҳақида тилхат олинади.

Чет элга кетаётган вояга етмаган бола учун давлат божи унинг ота-онаси (vasiy, ҳомий)дан ёки уни юбораётган ташкилотдан ундирилади.

Давлат сирига оид маълумотлардан воқиф бўлса, иш судда кўриб чиқилгунга қадар. 3. Шахс суднинг ҳукми билан алоҳида хавфли рецидивист деб тан олинган ёки милициянинг маъмурӣ назорати остида бўлса, судланганлик олиб ташланмагунга қадар ёки назорат қилиш тўхтатилгунча.

4. Шахс ўзига суд томонидан юклатилган мажбуриятларни ижро этишдан бўйин товлаётган бўлса, мажбуриятларни ижро этгунга қадар.

5. Шахс ўзи тўғрисида қасддан соҳта маълумотлар берган бўлса.

хсларининг рухсатини тақдим қиладилар.

«Чет элга бориши ҳуқуқидаги чеклашлар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.»

**Сабоҳон ФОФУРОВА.
Учкўргон тумани».**

Куйидаги сабаблар чет элга бориши ҳуқуқини чеклаши мумкин:

1. Агар шахс давлат сири ҳисобланган маълумотлардан воқиф бўлса ёки унинг чет элга боришига тонелик қилувчи бошқа шартнома контракт мажбуриятлари амалда бўлса — бу ҳолатларниг амал қилиши тугагунга қадар.

2. Шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, иш судда кўриб чиқилгунга қадар.

3. Шахс суднинг ҳукми билан алоҳида хавфли рецидивист деб тан олинган ёки милициянинг маъмурӣ назорати остида бўлса, судланганлик олиб ташланмагунга қадар ёки назорат қилиш тўхтатилгунча.

4. Шахс ўзига суд томонидан юклатилган мажбуриятларни ижро этишдан бўйин товлаётган бўлса, мажбуриятларни ижро этгунга қадар.

5. Шахс ўзи тўғрисида қасддан соҳта маълумотлар берган бўлса.

6. Судда шахсга нис-

батан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса, иш кўриб чиқилгунга қадар.

7. Шахс чақирик учтасида рўйхатга олинган ва ҳақиқий ҳарбий хизматта чақирилиши керак бўлса, ҳақиқий муддатли хизматни ўтагунга қадар ёки қонунга мувофиқ ундан озод қилингунга қадар чет элга боришига рухсат берилмайди.

«Чет элга бориши ҳуқуқи рад этилганда кимга ва қай йўсунда шикоят қилинади?»

**Садбарҳон ҲОЖИМУРОТОВА,
Кўргонча қишлоғи».»**

— Юқорида санаб ўтилган асослар бўйича чет элга боришининг рад этилиши ёки жавоб беришининг белгиланган муддатдан ортича кеччикирилиши устидан фуқаро юқори ички ишлар идорасига шикоят қилиши мумкин. Бу идора бир ой муддат ичиди шикоятга жавоб берилшига ҳақли. Юқорида тартибнинг 2 ва бандларида кўрсатилган сабаблар бўйича чет элга бориши ҳуқуқини чеклаш устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Кейинги йилларда чет элга сайёҳ сифатида борган айрим фуқаролар сайёҳликни ниқоб қилиб, чет элда хусусий касбий фаолият ёки бошқа ишлар билан шуғулланмокдалар. Натижада улар чет мамлакат ва чет элда бўлиш қонунларини кўпол равишда бузмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликнинг кенг тарқалгани чет элда бўлиш қонунларининг бузилишидир. Шунинг учун фуқаролар чет эл сафарига отланганларида уларга хорижда бўлиш тартиби туширилиб, ҳуқуқбузарлик содир этмаслик ҳақида расмий огохлантирилганларидан кейингина чет элга боришига рухсат берилмоқда.

Суҳбатни Шаҳзодаҳон ҲУДОЙБЕ

«Хосил-98»

НОБУДГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЯПТИ

Жиззах вилояти дала-ларида бу йил аввалигига ийлардагига қараганда мўл ҳосил етиширилди. Айни кунлар галлазорлардаги ризқ-рўзимизни тезароқ йигиштириб олиш учун жадал ҳаракатлар қилинмоқда. Одатдаги-дек ўрим-йигим ишларида ички ишлар идораларининг ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Вилоятнинг Пахтакор туманинг галлакорлари биринчилар қаторида йиллик режани адо этдилар. Тумандаги А. Икромов номли давлат ширкатлар уюшмасининг далаларидамиз. «Кейс»лар наъра тортиғи галлаларни жадал ўрятти. Бир томонда юк машиналари ҳосил ташишга навбат кутиб туриди.

— Бў йил мавсумни муваффақиятли ўтказиш, фалла нобудгарчилигига йўл кўймаслик, ташмачилик, талон-торожликини олдини олиш учун пухта режалар ишлаб чиқдик, — деди пайкал бошида ходимларга иш кўрсатиб турган туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, мили-

ция подполковниги Дехқонбой Ражабов, — ўрилаётган пайкалларда фермерлар, туман ҳокимияти ва-киллари ҳозир бўлишапти. Ҳар бир комбайнга биттадан ходим бирктирилган. Ортилган буғдойларни хирмонга олиб бориш учун машинада милиция ходими ва фермернинг ўзи бўлади.

Ташмачилик ва ўриликлика қарши курашда айниқса хушёлрик кўрсатмоқдамиз. «Оқбулоқ» давлат ширкатлар уюшмасидан 4 минг килога яқин буғдойни ўғирлаб уйига ғамлаб қўйган бир шахс, «Бўстон» хўжалигидан ҳам уч тонна галлани ўғирлаб кетаётган шахс шланди.

Мавсум давомида барча ходимларимиз зиммаларидаги вазифани астойдил бажаришга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, милиция майорлари Сарiev, Ибрағимов, милиция капитани Хўжаев, милиция катта лейтенанти Нурманов, милиция катта сержантини Отажоновлар ибрат кўрсатмоқдалар.

А. Икромов номли давлат ширкатлар уюшмаси олдини олиш учун пухта режалар ишлаб чиқдик, — деди пайкал бошида ходимларга иш кўрсатиб турган туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, мили-

ция подполковниги Дехқонбой Ражабов, — ўрилаётган пайкалларда фермерлар, туман ҳокимияти ва-киллари ҳозир бўлишапти. Ҳар бир комбайнга биттадан ходим бирктирилган. Ортилган буғдойларни хирмонга олиб бориш учун машинада милиция ходими ва фермернинг ўзи бўлади.

— Бўлимизда ўрим-йигим даврида ички ишлар ходимларининг хизмати ҳакида шундайде: — Бўлимизда ўрим-йигим ниҳоясига етапти. Ҳар гектар майдондан 40 центнердан хирмон кўтаришимиз. Ички ишлар ходимлари кечак-ю кундуз ёнимизда бўлиб, техникаларни бир маромда ишлами, ташмачиликни содир этилмаслигини назорат қилиб туришибди. Уларнинг ҳаракатлари, кўмаклари туфайли ўрим-йигимни белгиланган режадан аввалроқ туттишига ёришамиз.

Туман ИИБ ходимлари бошина хўжаликларда ҳам фаол ишлашапти. Фанимат кунлардан унумли фойдаланиб ўрим-йигимни муваффақиятли адо этилишида катта ҳисса қўшмоқдалар.

Фаллаорол туманидаги «Музбулоқ» ширкатлар бирлашмаси азалдан фаллачиликни билан шугулланиб келади. Мустақиллик йилларида, айниқса, дон етиширишга янада алоҳида эътибор берилапти. Бу хўжаликда бўлганимида

айни қувончли куннинг устидан чиқдик. Дехқонлар давлатга фалла сотиш йиллик режасини бажариб, қабул пунктларига 1400 тонна буғдой топшириб, мажбурият ҳисобига дон сотишни бошлаган эканлар. Суформа ерлардан гектарига 60 центнердан, лалми ерлардан эса 18 центнердан ҳосил ўриб-йигиб олинган.

— Дехқонларимизнинг катта хирмон яратишлари биз ички ишлар ходимларини ҳам кувонтиради, — деди участка ва-килини, милиция майори Фурқат Маликов. — Бу йилги мавсумда экинлар пайхон килиниши анча камайди. Фаллаорол мўл сув етказиб берилди. Шу боис ҳам кейинги йилларда энг кўп фалла етиширилди. Ўрим-йигимни назорат қилинди. Бизга ИИБ Академиясидан тингловчилар келишган, улар куну тун дала-да ҳосилларни ўғишириб олинишида тартиб ва қоидаларнинг бузилмаслигини назорат қилинди. Бизга кўмак беришшига ҳозиргача ташмачилик, ўриликларни содир этилишига йўл кўйилмади.

С. ШАМСИДДИНОВ.

БИЗГА «ЁР-ЁР»ЛАР КЕРАК

Вилоятимиз Ички ишлар Бошқармаси бошлиғи ички хизмат генерал-майори Т. С. Муродхўжаевнинг 10 июль куни «Постда» газетасида «Касб қадрига етиш, ҳалқ меҳрини қозониш демак» сарлавҳа остидаги чиқишиларида куйидаги сатрлар ҳам таъкидланган эди:

— Вояга етмаган ёшлар таъсирчан, ҳар қандай таъсирга тез беришувчан жангари, олдиқочди фильмларни кўриб, ўзлари ҳам ўша кинно қаҳрамонларига ўхшагиси келади — билиб билмай, ҳукукий билимсизлиги туфайли, оқибатини ўйламай жиноягта кўл уриб қўяди...

Дарҳақиат, маданий алоқалар, тижорат баҳонасида юртимизга маҳаллий аҳолининг маънавиятига, урф-ода-тига, ҳаёт тарзига ёт, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган видеотасмаларнинг олиб келинини ўз қадрини биладиган кишиларни ташвишга солмоқда.

Элимиз иштиёқ билан кўрадиган ўзбек киноФильмлари жуда кўп. «Маҳалла» дув-дув гап», «Мафтунингман», «Ёр-Ёр», «Ўтган кунлар» ва бошқа кўплаб фильмлар миллионлаб томошабинларни ўзига жалб этган. Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 25 июлдаги қарорига кўра республикамизга олиб кириши ман этилган видеомаҳсулотларни на-мойиш этиш, ижарага бериш ва улардан нусха кўчириш тақиқланган.

Мазкур ҳуҗжатдан келиб чиқсан ҳолда, одамларни зўравонликка чорловчи, улар ўртасида адват уруфини сочишга хизмат қуловчи, шафқатсизлик, беҳаёлик, умуман инсоний турмуш тарзига, маданий тарзига зид бўлган ғояларни тарғиб этувчи фильмлар айниқса келажагимиз ҳисобланмиш ўшлар учун зарари каттадир. Мазкур масала бўғунги кунда долзарб эканлигини унумаслик лозим.

Анвар ФУЛОМОВ,
милиция майори.

СОЛИҚ ТЎЛАМАГАНИ УЧУН

Машхур италиялик төғ чангиси устаси Альберто Томба солиқ тўламагани учун суд олдида жавоб бериси мумкин. Прокурор Балонъи 1990-1996 йиллар давомида ҳомийлардан олинган ўн уч ярим миллион АҚШ доллари солиқдан беркитилгани учун жиноий иш кўзғатди. Ушбу ҳуқуқбузарлиқда уч марта олимпиада чемпионининг ўзи, унинг отонаси, шунингдек, собиқ менежер ва ҳисобчи айбланишмоқда.

БАЛИҚ МАВСУМИ ФОЖИАЛИ БОШПАНДИ

Япония полицияси оммавий қотилликка урини ҳолатини текширишга киришди. Цеанид модасидан заҳарланган тўрт киши вафот этди, олтмиш киши эса шифохонага келтирилди. Бу воқеа Токиодан уч юз километр олисда, Вокайма деган жойда балиқ мавсуми очилиши муносабати билан ташкил этилган анъанавий фестиваль пайтида содир бўлди. Таомга кучли заҳар солиқ қўйилиши мумкинлигини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди. Қотиллик бирорта террорчилик гурухи томонидан содир этилган, деган тахминлар бўр.

ҚАЛБАКИ ПУЛ ТАЙЁРЛОВЧИЛАР

Хиндишонда бир миллион АҚШ доллари кийматига эга бўлган қалбаки пул тайёрлаган гурух кўлга олинди. Қаллоблар купораларни кўпроқ бой ва ҳамма нарсага ишонувчан ҳиндларга тарқатишган. Полициячиларнинг таъкидлашича, қалбаки пуллар ишонарли қилиб тайёрланган. Унинг бир томонига АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг тасвири туширилган. Бошқа томони ҳам ўзига хос безатилган. Полиция 200га яқин ана шундай қалбаки пулларни мусодара қилди.

ҚАҲРАМОННИ ҲАМ ТИНЧ ҚЎЙИШМАДИ

Бир гурух номаълум шахслар Челябинскдаги Успенский қабристонида собиқ СССР қаҳрамони, ички ишлар идораларида хизмат кўрсатган ходим, подполковник Борис Малахов қабридаги рангли металldан тайёрланган безакни ўмариди. Уни мармар плита устида бир неча бўлакларга бўлиб, эҳтиёткорлик билан олиши. Айни пайтда мили-



ГУМОНДОРНИНГ АЙБИ ИСБОТПАНДИ

Хитой ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳаётидан биринчи марта ёлғонни аниқлаб берувчи детектор кўлланилди. Куньмин шахрида қотилликда айланган бир кимса узоқ вақт терговчиларни лақиллатиб юрди. Агар прокурор Олий судга ёлғонни аниқловчи детектордан фойдаланишига рұксат беришни сўраб мурожаат этмагандан эҳтимол у жавобгарликдан кутилиб қолиши ҳам мумкин эди. Курилма терговга яқиндан ёрдам берди. Ҳатто яна бир жиноятчининг изига тушиб, ушлашга муваффақ бўлинди. «Ақлли курилма»дан эндилиқда тез-тез фойдаланиб туришга қарор килинди.

ҚОВОҚЛАР ОРАСИДА... МАРИХУАНА

Мексиканинг Рейноза шахри полициячилари томонидан 3,5 тонна мариүхана кўлга туширилди. Юк машинасига ортилган бодринг ва қовоқлар остига катта миқдордаги гиёхвандлик моддаси яширинган эди. Шунча миқдордаги “ўт”ни бир йўла чекиш учун гиёхвандларнинг бутун бошли армияси, айтайлик 1,5 ҳатто 2 миллион киши керак бўлади...

ЎГИРПАНГАН СУРАТЛАР ТОПИЛДИ

Италия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан шу йил май ойида уч нафар куролланган босқинчи томонидан Римдаги Миллий санъат

музейидан ўғирлаб кетилган Винсента Ван Гога ва Пол Сезаннинг суратлари топилди. Ушбу санъат асарларининг умумий қиймати 18 миллион АҚШ доллари тенгdir. Полициячилар Рим ва Туринда жиноятта алоқадор бўлган 8 кишини ҳибсга олди. Улар орасида Миллий санъат музеида қоровул бўлиб ишлаган аёл ҳам бор.

БУЗГУНЧИЛАР ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ

Нью-Йоркда иккى фаластинлик бузғунчилар устидан суд жараёни бошланди. Гази Абур Мезер ва Лафи Халил метро бекатларидан бирининг портлатмоқчи бўлганлар. Полициячилар уларнинг хонадонидан портлатувчи курилма топишиди. Гумондорларнинг Яқин Шарқдаги бирорта жиноий гуруҳ билан алоқаси борлиги ҳозирча аниқланмади. Кўлга олиш чоғида яралangan фаластинликларнинг ҳимоячилари эса судда улар террорчилар эмас, деб баёнот беришиди.

МАҲБУСПАР ИНТИЗОМИ ЯХШИПАНДИ

Норристаун шахрида федерал қамоқона маҳбусларига шаҳарликларнинг ҳақли равища ҳаваси келади. Бунинг боиси улар кабель телевидениеси хизмати учун аҳолига қараганда кам ҳақ тўлайдилар. Қамоқхонада кабель телевидениеси бир ойга олти доллардан тушаётган бўлса, ташқарида бу кўрсаткич йигирма беш долларни ташкил этаяпти. Дарвоқе, кабель телевидениеси ёрдамида маъмурят интизомни яхшилаб олишга эришиди. Чунки намунали хулқ учун бу ерда телевизорни кечакундуз давомида томоша қилиш мумкин.

ҒАЛАТИ АВАРИЯ

Уотертаун шахрида файриоддий авария содир бўлди. Бир автомобиль иккинчисининг орқасидан келиб урди. Аммо воқеа жойига етиб келган полициячилар рулда... итни кўрдилар. Маълум бўлишича, машина эгаси қаҳвахонага бир зумга тановул қилиш учун киргандага унинг ити беихтиёр машина тезлиги ричагини чиқариб юборди. Тепаликда турған автомобиль юриб кетиб, олдинда турған “Лимузин”га урилди. Энди итнинг эгаси яхшигина “тушиши” ҳатто ҳайдовчилик гуваҳномасидан айрилиши мумкин.

ДУШАНБА, 3

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 – 8.40 «Гаҳлилнома». 8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 9.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йилигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нонинг бутун бўлсин, элим». 9.30 «Омад юлдузи». Телеўин. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 – Янгиликлар. 10.35 «Кино янгиликлари». 10.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 10.35 Мустакиллик одимлари. 10.40 «Дўст». Бадиий фильм. 12.05 «Хаҳон спорти». 12.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дугорчилар ансамблининг концерти. 12.45 «Оlamга саёҳат». Кинокўрсатув. 13.10 – 14.00 «Келин-куёв» Телешоу. 18.10 «Фарзанд – умид юлдузи». 18.25 «Сиҳат-саломатлик». 18.45 Кекса санъаткорлар кўйлади. 19.05 «Таянч нуқтаси». 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод, алифбоси». 21.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йилигига: «Диёрим Ўзбекистоним». Мусиқий дастур. 22.15 «Мустакиллик одимлари». 22.20 «Телевидение: томоша, тошабин». 22.45 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2-фасл. 31-күй. 23.35 «Ахборот». 24.00 – 00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.05 «Даракчи»(рус тилида). 18.15 «Ерілтош». Мультуплам. 18.35 «Хаҳон урушарининг маҳфий архивларидан». Телесериал. 19.05 «Ойдиндаги қадамлар». 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Туризм ҳақида». 20.20 «Мусиқий лаҳзалар». 20.30 «Ахборот».

СЕПАНБА, 4

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 – 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шархи. 8.40 «Дилрабо тароналар». 9.05 Мустакиллик одимлари. 9.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2 фасл. 31-күй. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 – Янгиликлар. 10.05 «Доно бобо даврасида». 10.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йилигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Орзулари бисёр айланнинг». 10.35 Янги алифбони ўрганимиз. 11.05 «Оламни асранг!». 11.20 Рақс, рақс, рақс. 11.45 «Шумтак». Мультифильм премьераси. 16-серия. 12.05 «Оила». Тележурнал. 12.35 – 14.00 Кундузги сеанс. «Ноғелет қаерда?» Бадиий фильм. 18.10 Болалар учун. «Парвоз». 18.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йилигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон дея атапул». 18.40 «Бозор ракобати – сифат кафолати». 19.00 «Кўйла ёшлигим». 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Автоолам». 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Саҳна ҳаёт». 21.30 «Акс-садо». 22.00 Мустакиллик одимлари. 22.05. «Гуллар пайванди». Озода Ерова. 22.40 Диққат премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 32-күй. 23.20 «Ахборот».

ЎзТВ-2

18.05 «Даракчи». 18.15 «Ерілтош». Мультуплам. 18.25 Еввойи ҳайвонот олами. 19.05 «Болливудга нигоҳ». 19.30 «Ахборот»(рус тилида). 19.55 «Тақдим». 20.10 Мусиқий меҳмонхона. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Таггер». Телесериал. 21.50 Спорт-китъаси. 22.20 «Даракчи». 22.35 Кинонигоҳ. «Рӯёбга чиқиши».

21.00 «Олтин мерос». 21.20 «Таггер». Телесериал. 22.10 «Кўзгу». 22.30 «Даракчи»(рус тилида). 22.45 Кинонигоҳ. «Бумеранг». 00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.15 Янгиликлар.
Россия жамоат телевидениеси
17.20 – 20.35

20.40 «Англаш санъати».

Россия давлат телевидениеси
21.00 – 21.35

21.35 «Тупонча ушлаган одам». Бадиий фильм.

23.05 – 23.25 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 – 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 «Мульттомоша».

19.05, 21.40 – Эълонлар.

19.10 «Морена Клара». Телесериал.

19.55 «Хаҳон».

20.15 «Чинор» видеоканали:

«Рангикамон».

«Дидар».

20.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йилигига. «Шукрон».

21.00 «Наамаст».

21.20 «Ҳамкорлик».

21.45 Кинематограф. «Четга оғиши ноль».

23.05 Спорт-тайм.

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар линияда профилактика.

15.05, 18.00, 21.00, 02.10 – «ТВ-ҳамкор», «Метеоҳабар».

15.30 «Эсаддодлар ва гўзаллар».

Мусиқий-дам олиш дастuri.

16.00 «Қаралуз-ТВ».

16.15 «Мусиқий коллекция».

16.30 «Севгим менинг, андухим менинг».

17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар».

Телесериал(АҚШ).

18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериалы(Франция).

18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).

19.30 «Кўяғили воқеалар». «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастuri.

20.00 Спорт янгиликлари.

20.30 «Тунги мультиқ».

20.45 «Клип-сюрприз».

21.30 «Олдузлар чараклаган душанба».

23.15 Телесериал.

РДТ

6.00, 7.30 – Мультфильмлар.

6.15 «Ўйғон».

6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.10 – «Вести».

23.15 Телесериал.

00.15 «Бойулига навбат».

01.45 Тунги мусиқий канал.

Коз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».

15.50 «Хит-парад».

16.00 Ҳужжатли фильм.

16.25 «Гутен абенд!». Немис таҳририяти курсатуви.

16.50 «Омонат».

16.55 «Отуқ» салони.

17.00 «Сокин сувлар». Сериал.

18.00 «Бола тилидан».

18.35 «Юртошлар».

19.00 «Даллас». Сериал.

20.00 «Оқшом». Ахборот курсатуви.

20.40 Спорт янгиликлари.

20.50 Мусиқий дақиқалар.

21.00 Бадиий фильм.

22.15 «Итук» салони.

РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».

8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.15 – Янгиликлар.

8.15, 17.20 – «Роксолана – сulton асириса». Сериал.

9.00 «Муъжизалар майдони».

10.00 «Сиҳат-саломатлик».

10.30, 18.30 – «Кўйини топинг».

11.15 «Биргалашиб» дастuri.

12.00 Олтин сериал. Борис Галкин ва Михаил Волонтир «Жавоб юриши» жангари фильмида.

13.30 Футбол ёархи.

14.20 Мультсерали.

14.45 «Марафон-15».

15.05 «Олдузлар онлар».

15.40 Севиши даври «Орзуларимиз оғушида». сериалда.

16.10 ...16 ёшгача ва ундан каттадар».

16.30 «Оламга саёҳат».

18.05 «Тигиз пайт».

19.00 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастuri.

19.45 Хайрли тун, кичконтойлар!

20.00 «Время».

20.35 «Тоглиқ». Саргузаш сериал.

21.45 Кино чизиги. А. С. Пушкин. Асарлар тўплами, «Отишма».

23.25 Баскетбол. Жаҳон чемпионати. Эркаклар.

РДТ

6.00, 7.30 – Мультфильмлар.

6.15 «Ўйғон».

6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.10 – «Вести».

7.00, 22.55 «Навбатчи қисм».

7.15 «Товарлар–пошта орқали».

7.20 «Стронг» танишигиди.

7.25 «Ҳайтарингизга».

7.50 «Православ тақвими».

7.55 «Эски квартира. 1948 йил».

9.10 «Санта-Барбара».

10.30 «Мангу дайвват». Кўп сериалар телевизион бадиий фильм.

13.45 «Шайтончачча». Болалар учун мюзикл.

15.00 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастuri.

15.30 «Биринчи бўсалар». Телесериал.

16.30 «Ҳайтиёт бўлинг, модерн!».

17.00 Розмари ля Вулле, Марина Влади «Ранглар түғёни» телесериалда (Франция).

17.55 «Кроссворд».

18.25 Ток-шоу.

ЧОРШАНБА, 5

ЎЗТВ-І

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Ўн саккиз ўшингдадур» Мусиқий дастур. 8.45 «Маврифат маскани». 9.00 Ўзбекистон Республикаси мустақилларининг 7 йиллигига. «Ўзбекелефильм» намойиш этади: «Она шахрим — Тошкентим». 9.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильтр. 32-кўй. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Бир сиким тупроқ». 10.30 «Алифбо сабоқлари», 11.00 Ўзбекистон Республикаси мустақилларининг 7 йиллигига. «Хавохўрлар бўстони». 11.30 «Дутор ва танбур тароналари». 11.55 Мустақиллик одимлари. 12.05 «Шумтак». Мультфильм премьerasи. 17-серия. 12.20 «Акс-садо». 12.50 Кундузги сеанс. «Колонна». Бадий фильм. 1-кисм. 14.10—14.30 «Ёшлик» студияси. «Сени Ватан кутади». 18.10 «Умид учунлари». Тележурнал. 18.30 «Чемпион билан утрашув». 18.45 «Тилга этибор». 19.05 Ўзбекистон Республикаси мустақилларининг 7 йиллигига. «Истиқол қўшиклиари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амада». 20.05 «Оқшом эртаклари». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иктисадиёт чорраҳаларида». 21.20 «Яхшилар ёди». Мъяруф Кориев. 21.50 Мустақиллик одимлари. 21.55 «Ўйгонаётган фикр». 22.30 «Ўзбекелефильм» намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп кисмли телевизион бадий фильм премьerasи. 4-кисм. 23.05 «ЁШЛАР» телеканали: «Шу Ватанга бордур менинг керагим». «Эстрада ва ёшлар». 24.00 «Ахборот». 00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎЗТВ-ІІ

18.05 «Даракчи». 18.15 «Жаҳон халқлари эртаклари». 18.35 «Хосуслар». Хужжатли сериял.

19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...». 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Хонадон». 20.15 «Козиба». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ғазал соғинни». 21.20 «Таггер». Телесериал. 22.10 «Дарракчи». 22.20 Оҳанглар ва эълонлар. 22.25 Кинонигоч. 23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎЗТВ-ІІІ

16.35 Янгиликлар. 16.40 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокурстув.

Россия жамоат телевидениеси

6.30—8.00

17.20—20.35

20.40 «Шоҳсуга сари йўл». Спорт дастури.

Россия давлат телевидениеси

21.00—21.35

21.35 «Кино сайдераси». Кинокурстув. 21.55 «Оқшом гўзаллари». Бадий фильм.

23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

ЎЗТВ-ІV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 «Мульттомоша».

19.05, 21.45 — Эълонлар.

19.10 «Морена Клара». Телесериал.

19.55 Ўзбекистон Республикаси мустақилларининг 7 йиллигига. «Шукрона».

20.00 «Спорт-лотто».

20.10 Истиқол илхомлари. «Шукухли дўйрим».

20.25 «Хуқуқ ва бурҷ».

20.45 «Мезон».

21.05 «Автосалнат».

21.15 «Дурдаршан».

21.50 Олтин хазина. Сайд Аҳмад. «Келинлар кўзғолони». А. Хидоятовномидаги ўзбек давлат драма театрининг спектакли.

23.10—23.20 «Хайрли тун!».

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.10 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».

8.30 «Табассум-ла ярим соат».

9.00 «Киноонушта».

10.30 «Касби — шифокор». Телесериал.

11.20 Тонги киносеанс.

13.00 «Ҳаёт чизиги». Телесериал.

14.10 Кундузги киносеанс.

15.30 «Даракчи». Мусиқий-дам олиш дастури.

16.00 «Карапуз-ТВ».

21.25 Мумтоз наволар.

21.55 «Даракчи» (рус тилида).

22.25 «Оиласив экран». «Автомобилдан сакланнинг!»

ЎЗТВ-ІІІ

17.15 Янгиликлар.

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00

17.20—20.35

20.35 «Хормант уста». Кинокурстув.

Россия давлат телевидениеси

21.00—21.35

21.40 «Оқ қалатдаги мафия». Бадий фильм.

23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

ЎЗТВ-ІV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 «Мульттомоша».

19.05 «02» тўлқинида.

19.20 «Ракурс».

19.50 «Хамсаҳарлар».

20.15 «Лаззат».

20.40 «Муҳаббат тарихи».

21.25 «Ҳаммаси мода ҳакида».

21.45 «Мусиқий Олимп».

22.10 Киносалон.

30-КАНАЛ

8.00, 13.50, 18.00, 21.00, 02.10 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».

8.30 «Табассум-ла ярим соат».

9.00 «Киноонушта».

10.20, 16.00 — «Карапуз-ТВ».

10.30 «Касби — шифокор».

11.20 Тонги киносеанс.

13.00 «Ҳаёт чизиги». Телесериал.

14.10 Кундузги киносеанс.

15.15 «Ҳит-костий».

15.30 «Иҳод ғулшани». Адабий-майриф дастури.

16.15 «Мушук Порфирий».

16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг».

16.50 «Денов ва деновиллар».

17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар».

18.20 «Элен ва болалар».

18.45 «Қора марварид».

19.30 «Кўнгироқ қила туриб, томоша кил».

20.00 Телесериал.

20.30 «Тунги мультик».

20.45 «Клип-сюрприз».

21.30 «Кўнгироқ кила туриб, томоша кил».

Қоз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».

16.15 «Глашанинг эртаклари». 16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг».

17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар».

18.20 «Элен ва болалар».

18.45 «Қора марварид».

19.30 «Провинциал воқеалар».

20.00 Спорт янгиликлари.

20.30 «Тунги мультик».

21.30 «REN TV синематики».

23.15 Телесериал.

00.15 «Бойўлига нафавт».

01.45 Тунги мусиқий канал.

16.15 «Глашанинг эртаклари».

16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг».

17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар».

18.20 «Элен ва болалар».

18.45 «Қора марварид».

19.30 «Провинциал воқеалар».

20.00 Спорт янгиликлари.

20.30 «Тунги мультик».

21.30 «REN TV синематики».

23.15 Телесериал.

00.15 «Бойўлига нафавт».

01.45 Тунги мусиқий канал.

16.15 «Глашанинг эртаклари».

16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг».

17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар».

18.20 «Элен ва болалар».

18.45 «Қора марварид».

19.30 «Провинциал воқеалар».

20.00 Спорт янгиликлари.

20.30 «Тунги мультик».

21.30 «REN TV синематики».

23.15 Телесериал.

00.15 «Бойўлига нафавт».

01.45 Тунги мусиқий канал.

16.15 «Глашанинг эртаклари».

16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг».

17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар».

18.20 «Элен ва болалар».

18.45 «Қора марварид».

19.30 «Провинциал воқеалар».

20.0

ЖУМА , 7

ЎзТВ-І

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Мұхаббатим күйлайман». Мусиқи дастур. 8.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Спорт байрами». 9.05 «Мен түғилган түрк». Теленочерк. 9.20 «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар. 10.05 «Талаб ва таклиф». 10.25 Мустақиллик одимлари. 10.30 «Кичинкитоймиз — гижигантоймиз». 10.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Остонаси тиллодан». 11.15 Узбек кўйларидан концерт. 11.45 «Шумтак». Мультфильм премьераши 19-қисм. 12.05 «Суз сайли». 12.25 Кундузи сеанс. «Оцеола». Бадий фильм. 14.10 — 14.30 «Бармоқлар сехри». 18.10 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин. 18.30 «Фермер». Телетанлов. 18.50 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан...». 19.15 «Мустақиллик бекати». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Омонлик тилаймиз». 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Майрифатнома». 21.20 «Мусикамиз хазинасидан. «Сиз соғинган оҳанглар». 21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Юртим мўжъизалари». 22.30 «Ахборот». «Мунаварр дунё». Дам-олиш дастури: 22.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Истиқлол фидойлари». 23.15 «Накадар тотли сўз — Озодлик» рунида. «Хуррият». Бадий фильм. 1-серия (Туркия).

ЎзТВ-ІІ

18.05 «Дарақчи». 18.15 «Бор эканда, йўқ экан». 18.40 «Дөвюраклар». Ҳужжатли се-

риал. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Акс». 20.20 «Хар лаҳзада кўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ирик планд». 21.15 «Таггер». Телесериал. 22.05 «Дарақчи». 22.20 Бокс. Бокс. 22.35 Кинонгоҳ. «Компьютер даҳоси». 00.15 Тунгиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-ІІІ

16.55 Янгиликлар. 17.00 Болалар учун. «Бинафша». **Россия жамоат телевидениеси** 6.30—8.00 17.20—20.35 20.40 «Телешифокор». Тиббий маслаҳатлар.

Россия давлат телевидениеси

21.00—21.35

21.35 Оскар соириндорлари: «Жаноб Кейн» (1941 йил). Бадий фильм. 23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-ІV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «Утмишисиз келажак йўқ». 19.25 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Саломат бўлинг». 20.10 «Морена Клара». Телесериал. 20.55 «Ўст остоандон бошланади». 21.20 Дурдурсан. 21.55 Кинематограф. «Махбубам, азиз, суюклигим, ёлгизим». 23.00 «Араб эстрадаси». 23.30—23.40 «Мунаварр тонг истаб...»

30-КАНАЛ

8.05, 13.50, 18.00, 21.00, 02.45 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар». 8.30 «Табассум-ла ярим соат». 9.00 «Кинонончута». 11.20 Тонгти киносеанс. 13.00 «Ҳаёт чизиги». Телесериал. 14.10 Кундузи киносеанс. 15.30 «Бисол». Мусиқи дастур. 16.00 «Карапуз-ТВ». 16.15 «Мусиқи коллекция». 16.30 «Севгим менинг, андуҳим менинг». Телесериал. 17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал. 18.20 «Элен ва болалар». Телесериал. 18.45 «Кора марварид». Телесериал. 19.30 «Даҳшатли воқеалар». «Альфред Хичкок таниширади». Телесериал (АҚШ). 20.00 Спорт янгиликлари. 20.30 «Тунги мультик».

ШАНБА, 8

ЎзТВ-І

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шархи. 8.40 «Бахт ва шодлик таронала-ри». Мусиқи дастур. 9.00 «Шоҳруҳ клуби». 9.20 «Зиёрат». 9.30 «Шумтак». Мультфильм пре-мераси. 19-серия. 9.45 «Ҳаёт сабоқлари». 10.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Усуллар парвози». ҶШЛАР телеканали 10.40 «Мулоҳаза, мунозара, мунобат». «Софлом авлод учун». «Мен билган, билмаган дунё». «Ёшлар кўйлагандан». Мусиқи дастур. 12.05 «Қафолат». 12.25 «Қизиқарли учрашувлар». Мақсад Юнусов. 12.55 Кундузи сеанс. «ГАИ инспектори». Бадий фильм. 14.15 — 14.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Маънавият». Бадий-публицистик курсатув.

ЎзТВ-ІІ

8.00 «Бахтли воқеалар». 11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафеси-га хуш келибиз! (Инглиз тили ҳамма учун). 17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Авторейд. 19.15 «Далил ва шарх». 19.30 «Ракслар қанотида». 20.00 «Мұхаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Чинсэн». 21.05 «Б дақиқа ўзим учун». 21.10 «Бу ақиб дунё». 21.30 «Ассалом, Франция!». 21.55 «Хит-коллекция». 22.20 Киносалон.

ЎзТВ-ІІІ

Россия жамоат телевидениеси 18.00 — 23.35

ЎзТВ-ІV

10.05 «Шанба эртаги». 11.15 «Спектаклдан сунг». 11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафеси-га хуш келибиз! (Инглиз тили ҳамма учун). 17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Авторейд. 19.15 «Далил ва шарх». 19.30 «Ракслар қанотида». 20.00 «Мұхаббат тарихи». Телесериал.

РДТ

7.00 «Колумб» Шхуна юнгаси. Саргашт фильм. 8.15 Мультифильм.

РЖТ

7.00 «Симпсонлар». Мульти сериал. 13.05 «Махфий хужжатлар». Сериал (АҚШ).

Қоз ТВ

8.00 «Ҳакиқат». 8.20 «Сиҳат-саломатлик». 8.40 «Сифат». 9.00 «Ерек-ай». 9.25 «Экспресс-FOOD». 15.55 «Итук» салони. 16.10 «Темиркозий». 17.10 Баставор М.Мангитаев. 17.40 «Сифат».

РДТ

6.00, 7.30, 13.30 — Мульти фильмы. 6.15 «Ўйғон». 6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50 — «Вести». 7.00, 22.35 — «Навбатчи қисм».

Леонкавеллонинг «Паязи» операси. 13.05 «Жозиба». 13.20 — 14.05 «Сансет Бичнинг мұхаббати ва сирлари». Телесериал. 18.05 «Дарақчи». 18.15 «Болаларни тили». 18.30 Спорт-китъаси. 19.00 «Конун химоясида». 19.15 «Мусиқий лаҳзалар». 19.30 «Ахборот» (рус. тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 «Дилбарим». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Кунгил кўнгилга пайванд». 21.30 «Даллас». Телесериал. 22.20 ТВ ва театр. 22.40 «Дарақчи». 22.50 «Бешинчи ўчлов». 23.10 Киносалон.

ЎзТВ-ІІІ

Россия жамоат телевидениеси 18.00 — 23.35

ЎзТВ-ІV

10.05 «Шанба эртаги». 11.15 «Спектаклдан сунг». 11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафеси-га хуш келибиз! (Инглиз тили ҳамма учун). 17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Авторейд. 19.15 «Далил ва шарх». 19.30 «Ракслар қанотида». 20.00 «Мұхаббат тарихи». Телесериал.

РДТ

7.00 «Симпсонлар». Мульти сериал. 13.05 «Махфий хужжатлар». Сериал (АҚШ).

РЖТ

8.00 «Ҳакиқат». 8.20 «Сиҳат-саломатлик». 8.40 «Сифат». 9.00 «Ерек-ай». 9.25 «Экспресс-FOOD». 15.55 «Итук» салони. 16.10 «Темиркозий». 17.10 Баставор М.Мангитаев. 17.40 «Сифат».

РДТ

6.00, 7.30, 13.30 — Мульти фильмы. 6.15 «Ўйғон». 6.30, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50 — «Вести». 7.00, 22.35 — «Навбатчи қисм».

ЖУМА , 7

ЎзТВ-І

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Мұхаббатим күйлайман». Мусиқи дастур.

8.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Спорт байрами». 9.05 «Мен түғилган түрк». Теленочерк.

ЎзТВ-ІІ

9.20 «Ақбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-қисм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-ІІІ

10.05 «Талаб ва таклиф». 10.25 Мустақиллик одимлари. 10.30 «Кичинкитоймиз — гижигантоймиз». 10.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Остонаси тиллодан». 11.15 Узбек кўйларидан концерт. 11.45 «Шумтак». Мультфильм премьераши 19-қисм.

ЎзТВ-ІІІ

12.05 «Сув сайли». 12.25 Кундузи сеанс. «Оцеола». Бадий фильм. 14.10 — 14.30 «Бармоқлар сехри». 18.10 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин. 18.30 «Фермер». Телетанлов. 18.50 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан...». 19.15 «Мустақиллик бекати». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Омонлик тилаймиз». 20.05 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Майрифатнома». 21.20 «Мусикамиз хазинасидан. «Сиз соғинган оҳанглар». 21.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллігингин 7 йиллигига. «Юртим мўжъизалари». 22.30 «Ахборот». «Мунаварр дунё». Дам-олиш дастури:

22.55 Накадар тотли сўз — Озодлик» рунида. «Хуррият». Бадий фильм. 1-серия (Туркия).

ЎзТВ-ІІІ

18.05 «Дарақчи». 18.15 «Бор эканда, йўқ экан». 18.40 «Дөвюраклар». Ҳужжатли се-

риал. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Акс». 20.20 «Хар лаҳзада кўшиқ». 20.30 «Ахборот».

21.00 «Ирик планд». 21.15 «Таггер». Телесериал.

22.05 «Дарақчи». 22.20 Бокс. Бокс.

22.35 Кинонгоҳ. «Компьютер даҳоси».

20.15 Тунгиз хайрли бўлсин!

Қоз ТВ

5.30 «Кечаси ётиб ўила, эрталаб туриб сўйла».

15.50 «Хит-парад».

16.00 «Ватан химоясида».

16.20 «Каре сарам». Корейс таҳририяти курсатуви.

16.50 «Омонат».

16.55 «Итук» салони.

17.00 «Комиссар аёл». Телесериал.

18.00 «Бола тилидан».

18.30 «Юртошлар».

19.00 «Гамбург полициячилари». Детектив.

20.00 «Оқшом». Ахборот курсатуви.

20.40 «Саломатлик учун инвестициялар».

ЯКШАНБА, 9

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун
кинодастур.

ЎзЛАР телеканали

9.10 «Истеъодлар унар боғ».

«Табиат шифононаси».

«Ёшлар матбуоти».

«Ватаним хизмат қиласман».

«Гулдаста». Мусикий дастур.

11.20 «Мезон».

11.35 «Ўзбектелефильм»

намойиш этади: «Акбарнинг саргузашти». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 6-қисм.

12.10 «Жавҳар». Публицистик курсатув.

12.30 Кундузги сеанс. «Императорнинг маҳфий фармони».

Бадий фильм.

14.05 — 14.35 «Нурли кела-

жак».

18.00 «Сеними, шошмай тур!».

Мультифильм.

18.15 «Ха, ха, ха». Хазил, ҳаж-

вия, ҳангома.

18.40 «Қишлоқ ҳакида ўйлар».

19.00 «Ўзлик». Бадий-публи-

цистик курсатув.

19.25, 20.00, 21.10 — Эълон-

лар

19.30 «Таҳлилнома» (рус ти-

лида).

20.05 «Якшанба оқшомида».

Мусикий дам олиш дастури.

20.30 «Таҳлилнома».

21.15 Мустақиллик одимлари.

21.20 Телевизион миниатю-

ралар театри.

21.55 ТВ-1 намойиш этади:

Телевизион.

22.05 Спорт дастури:

«Спорт. Спорт. Спорт».

Футбол майдонларида.

«Аср мўжизаси» кинодасту-

ри.

22.35 «Кино янгиликлари».

22.45 «Бегуноҳ». Бадий

фильм. 1-2-серия.

ЎзТВ-II

7.55 Курсатувлар дастури.

8.00 «Бор эканда йўқ экан».

8.25 Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг 7 йиллигига.

9.05 «Санта Барбара». Теле-

сериал.

9.45 «Дойче Велле» тақдим

этади...

10.05 «Робин Гуднинг янги

сафошаштлари».

10.30 Кулгига нима етсин.

10.45 «Лавжой». Телесериал.

11.30 Болалар экрани.

13.00 Эстрада тароналари.

13.20 — 14.05 «Сансет Бич-

нинг муҳаббати ва сирлари».

Телесериал.

18.05 «Даракчи».

18.15 «Сув ости дунёсига

сафоат».

18.30 «Мультипонарама».

19.00 «Бари ҳазил».

19.10 «Жараён».

19.30 «Таҳлилнома» (рус ти-

лида).

20.05 «Келгуси ҳафтада».

20.30 «Таҳлилнома».

21.10 «Даллас». Телесериал.

22.00 «Изҳор».

22.20 «Даракчи».

22.30 Якшанба кинозали.

«Қўёш таназзали».

00.10 Түнингиз ҳайрли

бўлсин!

ЎзТВ-III

17.40 Даструрнинг очилиши.

Эълонлар.

17.45 «Цирк, цирк, цирк».

Россия жамоат

телевиденеси.

18.15 — 22.50

22.55 «Гулла, яшина она-Ватаним».

Фильм-концерт.

23.15 — 23.45 «Таҳлилнома»

(рус тида)

ЎзТВ-IV

9.00 «Ҳайрли тонг!»

9.30 «Парле ва франсэ?»

9.55 «Лаззат».

10.15 «Эртакларнинг сехрли

олами».

11.55 «Ўзбекистон янгиликла-

ри» (инглиз тида)

12.05 Эълонлар

12.10 Киносалон.

14.10 Мусикий олимп.

14.30 «Иштирок этувчилар».

14.50 «Жонли сайёра».

15.10 Клип-антракт.

15.20 Кундузги сеанс.

16.50 — 17.10 «Сенинг

вақтинг».

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕ-

ВИДЕНИЕСИ

18.45 «Мульттомоша».

19.05 «Кобра». Телесериал.

19.45 Клип-антракт.

19.55 «Ҳайрли оқшом».

20.25 Ўзбекистон Рёспубликаси

мустақиллигининг 7 йиллигига.

«Бугуни кун мавзуси».

20.40 Жаҳон киноси янгилик-

лари.

21.15 Киносалон.

30-КАНАЛ

8.05 «Кинононшта».

9.00, 13.50, 18.00, 21.00, 01.50

— «ТВ-хамкор», «Метеохабар».

9.25 «Болалар канали».

11.20 Тонги киносеанс.

13.00 «Шоу соати».

14.10 «Ўн олти ёшлилар».

Ёшлар сериали.

14.35 «Манстровлар оиласи».

Комик сериал.

15.00 «Ҳали намойиш этилма-

ган премьера».

16.45 «Ўйинчоқлар уйи».

Компьютер ўйинлари ҳаваскорлари учун

дастур.

18.20 «Моделлар академия-

си». Ёшлар сериали.

18.45 «Оқшомги латифа».

Ҳажвий дастур.

19.00 «Висол». Мусикий дас-

тур.

19.30 «Махфий ҳужжатлар».

Сериал.

20.15 «Сайёрамиз спорти».

Ҳафталик шарҳ.

20.45 «Клип-сюрприз».

21.25 «Мунажжимлар башора-

ти».

21.30, 23.15 — «30-канал» да як-

шанба киношоми».

00.00 «М.Э.Ш. Госпиталидаги

бошогрик хизмат».

Ҳажвий сериали.

РЖТ

6.55 Александр Михайлов «Та-

ваккалчиллик — ҳайрли иш» филь-

мида.

8.15 «Лотто-Миллион». «Спор-

тлото».

8.30, 15.40, 16.05 — «Дисней-

клуб».

9.00, 14.00, 00.15 — Янгилик-

лар.

9.10 Дм. Криловнинг «Йўлда

ёзилмаган қайдлари».

9.30 «Ҳамма уйдалигид».

10.10 «Тонг юлдузи».

1998 yil - Oila yili

Muqaddas dargoh

10



Na'munali oila: u qanday bo'lishi kerak?

O'RTADAN OQIBAT KO'TARILMASIN

Фурқат Маликов, участка вакили, милиция майори:

Яқинда маҳалламизда яшайдиган уч ака-ука биргаликда ўғилларини хатна тўйи қилишди. Наҳорги ошда уч ака-ука нинг дарвоза олдидаги келганинни кўлларини кўксиларига қўйиб кутиб олишларини кўриб ҳавас қиммеганлар топилмади ҳисоб. Бу ака-укалар маҳалланинг энг намунали оиласаридан бирида туғилиб ўсишган. Улар айримлар сингари бадавлат яшаб, "иномарка" минишмайди, уйлари ҳам баҳоликудрат. Лекин уларни маҳаллада баобўрӯ килган нарса, бир-бирларига бўлған меҳроқибатидир. Оталари маҳаллада катта-ю кичикини ҳурмат қиласиган, оқил инсон эди. У ўғилларига катта давлат эмас, бебаҳо тарбия қолдирган экан.

Одатда кичиклар катталарга эргашади. Ака-укаларнинг бир-бирларига оқибатлилиги уларнинг фарзандларига ўтиши шубҳасиз. Гоҳида оила жажхиларининг болалар боғчасига кетаётганини кузатман. Бир-бирларини етаклаб, катталари кичикларини авайлаб, кичиклар катталарига кулоқ солиб, йўлкандан сенинг аста боришади.

Бирок жамиятимизда бир онадан туғилган, беноналардек бўлиб, ёвла-

шиб юрганлар ҳам топилади. Айниқса, уй-жой, ота меросни талашиб, уришиб, бир-бирига тиф кўтараётгандарни кўриб, эшишиб афсусланаман. Ислами келтиришни маъқул кўрмадим. Яқинда мен хизмат қилаётган ҳудудда кўнгилсиз воеа рўй берди. Эрта тонгда кўшни кишлоқда яшайдиган бир тракторчи шошиб келиб қолди. Албатта бу пайтда кишилар участка вакилини яхшиликка йўқлашмайди. Айтишича, оғилхонасидан бияси йўқолибди, яқинда куленлаган экан. Қидиув, суриштирувдан кейин унинг ўз уласи ўғирлаб сотиб юборгани маълум бўлди.

Яна бир қишлоқда ёнма-ён яшайдиган икки ака-ука ўртада ўсан ёнғоқ ҳосилини талашиб, кирпичноқ бўлишибди.

Оқибатли бўлиш инсоннинг энг яхши хислатларидан биридир. Ўртада оқибат бўлмаса жигаргўшиликка, ака-ука, опа-сингилликка путур кетаверади. Арзимаган буюм, пул, бойликни талашиб, юз кўрмас бўлиб кетишинан сақланиш кепар. Ҳамма ҳавас қиласиган оиласа эришиш учун, аввало ота-она, ака-ука, опа-сингиллар билан оқибатни мустаҳкамлаш, уни авайлаб-асраси зарур.

AYOLLAR

Qaynoq mehiringiz tafti eritur hatto toshni,
Sehringizning qudrati lol etgusi quyoshni.
Alj yigitlar qarshingizda egurlar mag'rur boshni,
Qalbingizga dunyo siqqan ayollarsiz, ayollar.

Madhingizdan tolmadi hech Mir Alisher qo'llari
Shoh Boburning nidosidan yondi hindu cho'llari
Oyog'ingiz ostidadir bizga jannat yo'llari
Sadoqatni baland tutgan ayollarsiz, ayollar.

To'marisga tiz cho'kdilar yovning minglab lashkari
Mohlaroyim ko'ksin tildi Nasrulloning xanjari
Ko'kdan yoqqan yomg'ir emas,

Mahzunaning yoshi

Ming azobni ko'rib o'tgan ayollarsiz, ayollar.

Yigit yoshin ko'rmaganlar o'zga elda berdi jon,
O'z yurtiga to'umaganlar ko'mildilar bekafan.
Yuragingiz parchasidur bir tishlagan kulcha non
Umr bo'y yo'llar kutgan ayollarsiz, ayollar.

Buyuksizki, buyuklarni bilmaganlar xor bo'lar,
Suyuksizki, qadringizga yetmaganlar zor bo'lar,
Siz ma'suma, o'ksitganga ikki dunyo tor bo'lar.
Non so'rasha, jonin tutgan ayollarsiz, ayollar.

Siz sadoqat, Siz saxovat, Siz sog'inchsiz, Siz Vatan,
Muhiddinni shoir etgan ayollarsiz, ayollar.

Muhiddin ISROILOV.



- Умрингиздан барака топинг, болаларим!

Суратда: Чирчиқ шаҳар ИИБ ДАНБ нозири, милиция катта сержантি Ботир Мирзаев кизи Шоҳиста ва ўғли Соҳиб билан.

А. САПАРМАТОВ олган сурат.

XURSHID – YORUG' NUR DEGANI

Ism ham husn

... Яратганинг иродаси или янги инсон ёруғ дунёга келди. У туфли бундан бир йилча мукаддам серфайз, тўкин куз окшомидаги тўю-тантана гувоҳлигидаги бунёд бўлган янги оила сардорига отали шарафи, иккинчисига эса оналини саодати насиб этди. Яқин жигаргўшларининг кўнгиллари бекиёс кувончга тўлди. Кутлуғ ҳонадоннинг сунянган тоғлари — бобо ва бувилар набиралини фарзандини кўриш, яъни эваралик бўлишдек беназир баҳтга сазовор бўлдилар. Эндиликда аждод-авлодларнинг тўрт шажраси бир даврда умргу заронлик қиласиган.

Фарзанд туғилгач, аввало ота-она, қолаверса, энг яқинларнинг зиммаларида илк бурчлари унга исм кўйиш ҳисобланади. Зеро, Кайковуснинг «Кобуснома» асаридаги: «Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анча яхши от кўйил, нединким,

отадин фарзанд ҳақларидан бири унга яхши от кўймоқдур», — дейилади. Бу борада ҳалқимизда йиллар бўйи таркиб топиб, жамланиб келинган ўзига хос амаллар мавжуд.

Инсонлар азалдан ўз орзу-умидларини зурриёдларига қўйилган исмларда ифодалаганлар. Фарзанднинг исми маълум маънони акс эттириб, унинг келажагини айтиб берувчи «хосиятга» эга деб тушунилади. Исмларнинг бир туркумида гўдакнинг соғ-саломат вояга этиши, пахлавон, жасур бўлиши исталса, бошқаларида баҳт-иқболи порлоклиги, илмли, доно, одобли бўлиб улғайиши орзу қилинади. Шунингдек, машҳур улуг инсонларга ўхшаш бўлиши истагида, уларнинг исмларига тақлидан ҳам кўйилади. Яна бир муҳим жиҳати, исм айтишга қуляш, ихчам бўлиши, ота-онасининг исмига ҳам монанд келиши эътибордан четда қолмайди.

Халқимиз одатига кўра

исмни оиласи табаррук кексалари, қолаверса, ота-оналарнинг илтимосига кўра, элӯ-юртнинг обрў-эътиборига сазовор бўлган кишилар кўйилади. Биз таърифлаётган юқоридаги оиласа давом этиб келаётган азалий анъана га кўра, фарзанд-у набирадар жам бўлдилар. Даврадагиларнинг кўпчилиги янги «мехмон»га ўзича бир исм ўйлаб қўйган бўлса ҳам, падари бузрукворларининг бир оғиз сўзларига илҳақ эдилар.

Шинам ҳонадоннинг тўкин дастурхони тўридан жой олган, кўша қариган табаррук отахон ва онахоннинг чехраларидан нур ёғилиб турарди.

Отахон кўзларини юмб, унга қараб интилаётган бегубор мурғадан жаннатий ифорни тўйди-да:

— Эварагинамнинг исми Хуршид бўлади; — деди.

Даврадагилар мамнунлик билан «Хуршид, Хуршид!..» — деб тақрорлашиди.

Кимdir отасининг ис-

ми — Ҳамидга монанд бўлибди, деса бошқа бири Хуршид деган таникини ўзбек шоири борлигини эслатди.

Одатдагидек, ҳамма отахондан бу исмнинг асл маъносини изоҳлаб беришини сукут сақлаб кутарди. Чукур тин олган нуроний отахон сўз бошладилар:

— Хуршид «Нур, ёруғлик таратувчи машъал» дегани. Эварагинам ўз исмига муносиб бўлиб, ақлу заковати билан эзгу ишларни бунёд этиб, инсонларга илму-маърифат нурини сочиб, зиё таратиб, умр кечирсинг. Ҳаёти боқий бўлиб, баҳтиларнинг баҳтилиси бўлсин!

Бекаму-кўст дунёга келган чақалоққа қўйилган чиройли исмнинг бундай донолик билан таърифланиб, орзу-ният қилиниши барчани мамнун этди. Доно ҳалқимиз: «Ҳар кимнинг нияти ўзига йўлдош бўлади», — дейди. Ажаб эмаски, фарзандларнинг чиройли исмидаги акс этган барча эзгу умидлар камолотга етганларида рўёбга чиқиб, факат баҳт-омад баҳш этса!

Фозилжон ОРИПОВ.

«BUVIJON, ALLA АҮТІВ BERING!»

ЁКИ ВАТАНГА МЕХР НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

— Бувихон, алла айтб беринг, — ялинади набира.

— Бо, худо, энди бир камим сени бешікка солиб, алла айтиш қолувди. Хой келиң, бунингиз қайдаги гапларни топиб келади-я. Алла айттармашман...

Хой Шерзод, қулоқсиз, бор күчага чиқиб, үйна. Беш ёшга кирибди, алла бало борми...

Шерзод елқасини қисганича, құпқаватты үйлар орасындағы бұлтак-бұлтакланиб, тиконли сим билан ўраб олинганидан, болалар учун үйнашга жой ҳам қолмаган йүлакчага түшди. Рұпарасидан кий-чұв билан мүшүк болани тошбүрөн қилиб келеттән тенгкурларни күриб, жон ҳолатда уларниң қаршиларига юргурди:

— Урманглар, мушукчани урманглар!

Уни тап тортмай тошбүрөн тағига тушиб, иркит мүшукчани құлиға олғаннан күрган болаларнинг бәзиси устидан кула бошлади. Бәзилари жиркәнгәннәм, афтини буриштири «фу» дәе лабларини чүччайтириши. Салим исмі бүйнекроқ бола эса мүшүкчаниң қалтираб турған дұмидан тортиб, ерга туширмөкчи бўлди.

— Ташла мүшукни, дұқ қилди у. — Бўлмаса, ўзингни ҳам уриб ташлайман.

... Акәри болаларда шафқатсызлик қаердан пайдо бўлади?

— Аллох сени оналидек буюк номга сазовор этибдими, болангага факт яхшиликни ўргат, — насиҳат қылғандилар онахоним (худо раҳматига олган бўлсин) тұнғич фарзандим дунёга келганды. — Бунинг учун эң бириңчи галда алла айтишни канда қилма. Болангни бешикка белаб, тебрастиша вақтинг бўлмаса, ўйишингни қилиб юриб ҳам алла айт. Аллани майин овозда, мулойим қилиб, мана бундок айтгын, — онагинам бешикни охиста тебратгандарича, паст ва ширали овозда алла айт башилардилар.

Тоғлар ичидан тандаб олганим, тарлоним, болам, алла.

Гуллар ичидан хидлаб олганим, райхоним, болам, алла...

HASAN YOKI HUSAN — FILBON

Ганада таваллуд топған әзизаклар дархол шоҳ саройига келтирилган ва шу ерда тарбияланған. Әзизаклар улғайғач, улардан бири — Фотима ёки Зухра шоҳнинг хотини, Ҳасан ёки Ҳусан эса филбон бўлган.

«ROGOJA CHOY!»
Бу ном Москвадаги Таганка қамоқхонаси яқында жойлашган, истемолда бўлган

Орадан йиллар ўтиб, бир ўғилнинг отаси бўлмиш ўғлимдан товук сўйишни сўрадим. Бир эмас, иккى азамат ўғлимнинг уч кунгача битта товукни сўйишга «вақтлари бўлмади». Охири товук балкондан күчага тушиб, йўқолди.

— Аяжон, ахир у ҳам худонинг маҳлуки, — дәя менга таскин берди ўғлим. — Ростини айтсам, тирик нарсани бўзига пичноқ тортишни тасаввур қиломайман. Кўявевинг, учуб кетиб, яхши қилди, барип сўймасдик.

...Бу аёлнинг ўғли кўлига пичноқ олганда эндиғина ўн учга, кирганди. Ота ичкилик туфайли ногирон бўлиб қолган. Она эса «ҳамманд ўз кунингни ўзинг кўр» деган гапни шиор қилиб олган. Оиласда ота-онадан ташқари тўрт ўғил, ҳар ким ўз холича топиб єйди.

Бир куни ўша ўн уч ёшли ўғилнинг «ови» юришмади — қанча уринмасин, ҳеч нарсанинг эвини қиломади. Уйга оч ва тажанг бўлиб қайтди. Арzon винодан кайф қилиб ётган отадан бошқа ҳеч ким йўқ. У ивирисиб ётган хоналарни титклил бошлади. Отасининг кечагина ногироңлик нағасини олгани хаёлига келиб, астайдил кидиришга түшди. Охири ғужанак бўлиб ётган отасини нариги ёнига ағдариб, кўрпачаси остидан пулни топди.

— Тўхта! — деди ногоҳ уйғонган ота. — Пулини жойига кўй, ўлдираман! — Ўлдирасиз? — иршади ўғил. — Ўрнидан турмолмайдио, ўлдирамиши.

Ўғил апил-тапил кийимларини алмаштириб, кўчага йўл олди. Лекин эшик олдида отаси чайқалиб турарди. У ўғлини енгидан маҳкам ушлаб олди: «Бер дейман, бер!..»

Ота-ўғил анча тортишдилар. Охири ота қўлидан ооонликча чиқиб кетолмаслигини сезганд үғилнинг мудҳиш ўй келди: ўйда бошқа ҳеч ким йўқ. Пулини бергандан... бу алкаш кимга керак?

Ўғил ошхонадаги катта пичноқни олди-ю, ҳамон эшикка қопқоқ бўлиб ёнгашиб турған отанинг елкасига бир неча марта пичноқ урди.

Ота қасалхонада анча ётиб, вафот этди. Ўғил болалар колониясида.

Орадан йил ўтмади. Яна

шамалардан чой тайёрлагани учун 50-йилларнинг охирларида бир савдогарни жавобгарлика тортган Рогожа полиция маҳкамаси номидан олинган.

KELAJAK TAOMLARI

АҚШнинг Техас штатида ишлаб чиқарилган паҳта унида 65 фоиз оқсил бор. Буғдой унига 5 фоиз паҳта унидан кўшиб, нон ёпиб кўришиди. У жуда хуштаъм чиқди. Ишбилармон америкаликлар ҳозирдан келажак таомлари: «паҳ-

икик катта ўғиллар — ақаука муштлашиб, бир-бирини жоҳатлашди ва қамалишди.

— Тавба, — дердилар онам раҳматли. — Шу аёл билан йигирма йилдан ортиқ қўшни бўлиб болаларнинг ёшлигига алла айтганини, эси кирганида насиҳат килганини ўшитмадим. Оғизда факат қарғиши. Билиб кўй, алла ўшитмаган бола шафқатсиз, золим бўлади...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самародорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиққанига бир ҳафта бўлди. «Ягона фороя — миллий истиқлол мафкураси мавжуд интеллектуал имкониятларни ишга солишга, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашга, олижаноблик туйгуларни чуқурлаштиришга, шонли ўтмишга ҳурмат ва порлоқ келажакка ишонч ҳисларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда» дейилди Карорнинг кириши кисмиди.

Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашни, олижаноб туйгуларни чуқурлаштиришни биз бешикдан бошлашимиз керак деб ўйлайман. Болага олижаноб туйгуларни тўдаклигиданоқ сингдириш онанинг, оналарнинг вазифаси. Оналар алла айтсинглар, токи гўдакнинг мурғак қалбига ширин ҳислар тўлсинг, оналар алла айтсинглар, токи гўдакнинг поёнсиз ҳәллари она алласи оҳангларида чексизликлар томон парвозд қилсан...

... Унинг бувиси ўз даврида «партработник» бўлган. У оёғига кирза этик кийиб, бошига дуррани маҳкам танғиб, от минид, далама-дала юрган. Унинг қаҳри, қаҳридан ҳам бағри қаттиқ дейишарди. У пахтазор четидаги тутларга арқон тортилиб ясалган кўлбода беланчакларда куннинг тифида пашшага таланиб, чаңг ва гербициду, пестицидларнинг хидига «тўйиниб», йиглашга ҳам ҳоли келмай қолган боласининг оғзига кўксидаги айниган сутни бўлса-да тутган онани кўрса, ғазаби қайнаб, «урғочи итдек тутаверасанлар... ғўзани ким ўтоқ қилди; паҳтани ким

тадан» олинган жўжа, мол гўшти, балиқларни кўз-кўз қилишяяпти.

BO'G'IM NEGA SHAQILLAYDI?

Одамнинг ёши катталашган сари моддалар алмашинуви анча сенинлашиб боради. Кўпчилик кишиларда қирк, айниқса эллик, олтмиш ёшдан сўнг бўғим усти тоғайсимон пардаси бўғимнинг қимирлашига нисбатан мослашиш хусусиятини йўқота бошлайди. Натижада бўғим усти куриб, ҳаракат вақ-

Ma'naviyat

теради» дәя ўдағайлар, унинг овозини ўшитса, ҳатто йиғлаб турған бола ҳам жимб қолади, дейишарди. Шерзоднинг дадасини ҳам ёши қирқа ётганда, «партия топшириклари»дан бирров қўли бўшаганда, ўзидан лавозим бўйича юқори опахонининг қаттий «топширифи» билан «туғиб олган». Туққану, ўн кўнлик боланин қайнонага ташлаб, ишга шўнғиган. Шундай «Фидой» ёлда алла айтишга вакт қаердан бўлсин? «Қаердаги миниф-минир билан бола ҳингони бузманд» деб жеркиб ташларди у алла бошлаган қайнонини. Мана, бугун беш ёшга кирган набирасининг «алла айтинг» дегани унга бирам эриш туядиди...

Шерзод эса аллани яхши кўради. Боғчага боргандан, тушлини қилиб, дам олишга ётишгач, ёшгина боғча опаси бирам чиройли алла айтидик:

— Аллолар айтсам, ухлаблар қолгин, алла, Уйқуларингда оромлар олгин, алла...

Шерзоднинг онаси ҳам алла айтишни билмайди. У эрта азонда бозорга кетиб, кечқурун анча пул билан келади, алла айтишга вакти йўқ: у овқатланиб, ҳисоб-китобини қилганича, Шерзод кута-кута ухлаб қолади...

— Маънавият нима ўзи? Нега маънавиятга бунчалик аҳамият берилди? — сўради ёшгина аёл.

— Маънавият — инсоннинг ички дунёси, олами, онги. Маънавият бой инсоннинг ички дунёси бой, гўзал бўлади. Ички дунёси бой ва гўзал одамдан ҳеч қачон ёмонлик, чиқмайди, жиноятга қўл урмайди, — жавоб берди бурро қилиб ундан ҳам ўшмуллима қизгина.

Ха, инсоннинг ички дунёси бой ва гўзал бўлса, ҳеч қачон ундан ёмонлик, жиноятчи чиқмайди. Фарзандларимизнинг ички дунёсини бойитиш, гўзалаштириш эса оналар зиммасида.

— Мен сени аллолар килай, алла, Үқитиб, муллолар килай, алла...

Лекин бу аллалар «Наврўз» байрами арафасида ўтказиладиган кўрик-танловдангина иборат бўлмай, доимий равишда тарғибот қилиб борилса қанийди...

Шаҳзода ХОН.

Sandiq

тида шақиллайдиган бўлиб қолади.

SHINSHILLA

Шиншилла — тез етилиши билан бошқалардан фарқ қилувчи кўён зотидир. У турли иклим шароитларига мослашиди. Танасининг ўртача оғирлиги — 5 килограмм. Шиншиллани хонадонида парваришилаган киши асло ютказмайди.

Ш. АБДУРАХМОНОВ тайёрлади.

BOSHQOTIRMA

Мұхтарам муштарилиар! Юқоридаги доира расмининг хоналарига 34 та ҳарфни аниқ бир тартибда қўшиб ўқиш йули билан оилавий тотувлик ҳақидаги ҳикматли мақолни ўқишингиз мумкин. Уни ўқишига ҳаракат қилиб кўринг. Бунда сизга «очқич» вазифасини бажарувчи компас ёрдам беради.

Компас миллиарини соат миллари йўналишида чапга аста-секин айлантиришга киришинг ва ҳар гал битта-битта юргизиб, милнинг тўқ рангдаги учи кўрсатаётган ҳарфни, кейин эса оқ рангли пастки учи кўрсатиб турган ҳарфни кўшиб ўқинг. Охиригача шу тартибга риоя қилиб борсангиз, халқимизнинг ҳикматли сўzlари сизга тўлиқ аён бўлади.

Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.



XANDALAR

- Кайфиятлар қалай? - дәя сўради ҳамкашиби.

- Билмадим, ҳали бошлиқни кўрганим йўқ...

* * *

- Менга қара, одамлар түғилса, нега шодланишади-ю, оламдан ўтса, йиглашади?

- Хотиринг жам бўлсин, сен оламдан ўтсанг бу одат бузилади.

* * *

Иккисинада ўзаро сұхбатлашишмоқда.

- Бизда ёмонлар кўпайиб кетди-да.

- Нима бўлди?

- Кеча кўринишидан туппа-тузук бир кишининг чўнтағига тушгандим. Ўша ярамас қўйимдаги узугимни олиб қўйибди...

* * *

Абиту

ШАҲЗОДА

НЕГА БОЛТА ЖУТАРДИНГ, АЭЛ?

(вокеий ҳикоя)

Фақат гуллар теришга, ҳамир қориб, нон ёпишига, хуштаъм таомлар пишириб, гўдагининг уклар сочларини силашга-ю, бешигини тебратишга яратилган Аёл кўллари болта кўтарди. Мана у, чангак бармоқларидан қонли болтани аранг ажратиб олинган ўша кундан бўён гунг ва қар. Бир нуқтага тикилганича кечака-ю, кундуз ўтираверади. Гўё шу ўтиришда бетон полларга, суюнган деворига сингиб кетаётгандек. Уни зўрлаб овқатлантиришади — у мажбурлаб оғзига солинган таомни лунжида сақлаб тураверади, ютмайди. Уни кузатдилар — тонг отгунча киприк қоқмади — ўша ўтириш. Рухий касалликлар шифохонасига ўтказиши, дори-дармон қилиши, охири у бир кун тилга кирди:

— Кийнаманглар мени, мен соғман. Фақат ўлим жазосига розиман. Кийнаманглар...

Дори ҳиди айкинган оп пок ва шинам хонада, озода чойшабу, пар ёстиклар кўйилган каравотда эса У ётиби. Ўнг қўли елкасӣ араплаш боғланган. Шифтга термулганича кун-узукун фақат ҳаёл сурди. Ҳеч кимга рўйхӯш бермайди. Тергов ходимлари берган саволларга эса жавоби қисқа: «Билмайман. Оддий танишмиз» — шу бадалда гўё яраси зиркирагандек, афти ўзгариб, пешонаси тиришади. Шифокорлар «Кўп қон йўқотган, ҳали кучга кирмаган» дегандан кейин терговчилар ҳам ноилож хонани тарқ этадилар.

Аёлнинг шунчаки таниш, атиги бир неча ой бирга ишлаб, бошқа ишга ўтиб кетгач, онда-сон-

да кўришиб қолса саломаликдан нари ўтмаган одамга болта кўтаргани ҳақида дув-дув гап тарқалди. Ҳеч ким жўяли бир фикр айтмаса-да, миш-мишларнинг кети кўринмайди. Аслида...

Аёл ҳали жуда кичкина қизчалигига даёв ота-она меҳридан мосуву бўлди. У болалигини, ёшлигини эслатида, эслагудек хотиради йўқ: фақат меҳнат — далада ҳам, ўйда ҳам меҳнат. У ҳали ақлини таниб, яхши-ёмонни ажратгудек бўлмасдан келин бўлди.

Кариндош-уруғлар ўртага олиб, ёши сал каттароқ йигитга узатиши, қаттичилик кўриб ўсган, ўқиган йигит экан, қадрингга етади, дейиши. Ҳеч қанча ўтмай күёв билан бирга ишлайдиган кўшни қиз «фа-

лончи ака хотин, бола-чакисдан ажралган, ўзи каттароқ лавозимда ишлайдиган корхонадаги «айрим аёллар»нинг эркаси эканлигини чиройли қилиб «түшунтириди». Унинг келин бўлиб ҳам чирок ёқилмаган қалби қоп-коронгулигича қолди: тиш ёриб на эрига, на қариндош-уруғига «бу нимаси?» демади, исен кўтириб, дод-вой солмади. Эрига муносабатини ўзгартириди. Нега кечикдингиз, машингиз қани, ким билан юрибсиз демади. Чунки у ўзича мағрур, «сен хақингда кўп нарса билганим учун сендан устунман» деяётгандек эди. Вақтлар бўлди, у эрининг кирдикорларини ўз кўзни билан кўрди. Бошида жиндеккина рашкками ўхшаб қалбининг қаеринидир ачиштириган нарса йиғила-йиғила дилини эзиз турган туга, йиллар ўтиб, бу тузлар котиб, тош-метинга айланди. Орада фарзандлар туғилди, ўсиб-улғайди. Эр ҳали ҳам ўша-ӯша; эндиллика «қаринқиз» номини олган кўшни қиз ҳалини «ўшандака» гапларни топиб келади. Аёл кулиб кўя қолади. Чунки эрининг ҳаётини кафтида кўриб туриди. У бир-иккита аёл билан қаноат қилмайди, у «дунёга бир марта келади, ўйнаб-кулиб қолиши» керак. Эр-хотин орасидаги қўринмас тօғ ўсиб, охири иккалasi бир уйнинг икки хонасида яхши кўшнилардек яшайвер-

дилар.

Унинг ютуғи бор эди. Бу ютуқ — ҳар қандай қийинчиликларга дош бериб, сиртдан бўлса-да ўқиб дипломли бўлгани. Олий маълумот олган. Билими ва дипломи бор. Фарзандлари сал ўзини тутиб олгач, ишга кирди. Унинг йўналиши битта: ўйдан ишга, ишдан ўйга. Тонгда туриб, одатдаги ўй юмушларини қиласди — ишга кетади, жимгина ўтириб, ёзув-чизвуни қиласди. Баъзан унинг ишхонада бор-йўклиги ҳам билинмайди. Лекин кимки қулидаги «иш»ни ташлаб, иш пайтида «куён» бўлмоқчи бўлса, балогардони у — ҳамма ишни қлаверади, «менини — сенини» демайди.

Янги йил байрамининг шодлиги чехфаларда ўйнаб турган кунларнинг бирида Аёл ва ҳамкаси ўтирган хонага бошлиқ уни бошлаб кирди ва танишириди: «Янги ходим, бирга ишлайсизлар, яхши одам». Улар бир-бирлари билан салом-алик қилдилар. У ҳамкаси билан сұхбатга берилиди. Аёл ора-чора ўзига беरилган саволга қисқагина жавоб берив, иш билан машғул бўлаверди...

кизлардан топаман, уйланнинг. Үладиган дунё, яшаш керак. Мен қиз топаман, опани совчиликка юборамиз.

— Опа, нима дейсиз, совчиликка борасизми?

— Уйда сизни кутиб ўтирган хотинингиз, фарзандларингиз-чи?

— У — аёл қиши, киркта жони бор, чидаши керак; Мен — эркакман, шариат бўйича тўрт марта ўйланнеш мумкин. Мен дунёга бир марта келаман, нега шундай ўтиб кетишим керак?

Бу гаплар ишхонада деярли ҳар куни тақорларниди.

«Дунёга бир марта келаман!» Мен-чи? Мен неча марта келаман дунёга? Нега бу ҳақда ўйлаб кўрмадим шу пайтacha? Нега мен ўзимга оро бериб, кийиниб юрмайман? Нега фарзат ўй-рўзгор-ишини биламан? Охирги марта қачон қошимга ўсма кўйдим, қачон охорли кийим кийдим?

Эрим кўз олдимда, мана, ўйнаб-кулиб юрибди, мен гўё тошман, ҳеч нарсани кўрмайман, ўзштимайман. Кеча отаси билан бир корхонада ишлаётган бўй етган қизим нима деди? «Онахон, умрингиз сувдек ўтиб кетяпти. На яқин дугонгиз, на дўстингиз йўқ. Адамнинг қилиб юрган қилиқарини ўз кўзим билан кўриб, уятдан ерга киргудек бўлаяпман, сизнинг ўтган умрингизга ачинапман. Ўзингизга қараб юринг, онахон, дунёга иккӣ марта келмайсиз...»

Бошлиқ Аёлни хонасига чакириди. Қоматига ярашган янги кийимда, хиёл пардоздан очилиб кетган Аёл хонага киргандан У-ҳам ўша ерда экан.

— Опа, — деди бошлиқ мулоим. — Бу одамнинг бошига кўп савдолар тушган. Катта бир корхонани бошлиғи, тўхмат билан «ўтириб» ҳам чиқди, окланди. Энди ўша корхонага бўлмаса ҳам ўз мутахассислиги бўйича ишга тикланиши керак. Ёрдам бе-

ришинг, биламан, танишингиз кўп, гапингиз ўтади...

Уларнинг орасидаги оддий танишилик қачон, қандай қилиб дўстликка, дўстлик эса муҳаббатга айланниб кетгани коронг. У ўз корхонасида бўлмаса-да, ундан юқорироқ лавозим билан иш бошлади. Иш юзасидан бошланган дўстлик севигига айланниб, кундан кунга оловланиб, метинде мустаҳкамланиб борарди. Иккви шаҳарнинг иккӣ четида бўлса-да, тушликни бирга қилишар, кечда У Аёлни минг хил эркалашлар билан уйига кузатарди, тонг отиши бирам узок, қачон тонг отади-ю, қачон мен сизни кўраман, дея нолиб ҳам кўярди.

Аёл Ўнга ишонди. Унинг ҳам ўзи каби ўз ўйида мусоғирдек, гарид ва яқин дўст-ошносиш, бечораҳол яшашини сезгач, кўриб-билгач, унинг тошдек қаттиқ қалибида Ўнга нисбатан ачиниш, унинг тортмаган азоби қолмаганини хис қилиш туйғуси ўйонди. «Бечора, бирорта яқин дўсти йўқ: дардини бирорвонга айтольмаса, кўмак сўролмаса қандай оғир».

Ишлаб тошдек қотиб, мудраб ётган туйғулар ўйонди. Фақат у ачинишда дўстлик туйғуси бўлиб охири эса шаръий никоҳ билан тугади. Чунки: «Мен уйланганман, лекин шаърий никоҳим йўқ, рўйхатдан ўтганман, холос», деди У масжиддаги домлага.

— Мен ҳам...
Аслида ҳам шундай эди.

... Ҳеч ким билан ишим йўқ, тинчнина яшаб юрвудим. Қаерданам У келди, қаерданам танишдим. Тинчнина яшайверсан, шунча ийл билмаган ишқ-муҳаббатни билмай ўтсан нима бўларди? Оҳ, худойим, тортмаганим шу азобими, қандай чидайман, қандай?

(Давоми бор).

ҚИДИРУВДА ЭДИ...

Тошкент шахри С. Раҳимов метро бекати яқинида маст ҳолда юрган, қидирувда бўлган Сайидатҳам Усмонов ушланди. Пойтахтнинг Шайхонтохур тумани, Расулов кўчаси, 128-йида яшовчи бу фуқаро Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 204-моддаси, З-қисми, «б» банди билан айбланиб, 1995 йил 10 апрелдан бери терговдан яшириниб юрган эди.

Қидирувдаги фуқарони ушлашда Чилонзор тумани ИИБ тиббий

хушёрхонаси бўлум бошлиғи М. Холиков, шунингдек, милиция ходимлари Н. Умирбеков, Т. Жақипов, А. Унгаров, М. Холқуловлар (суратда) муносаби хисса қўшиши.

• Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу хушёрхона жамоаси шу йилнинг олти ойи ичидаги барча кўрсаткичлар бўйича тиббий хушёрхоналар орасида юқори ўринни эгаллади.

О. МАҲМАЮСУПОВ
олган сурат.



ҚИДИРИЛМОҚДА

Хоразм вилояти Хонқа тумани ИИБ томонидан куйидаги жиноятчилар қидиримоқда:

Абдуллаев Ғулом Исмоилович, 1963 йилда Хонқа туманида туғилган, Хонқа тумани А. Қаҳҳор кўчаси, 72-йида яшаган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, сочи ва қошира, юзи думалоқ, сочини ўнг томонга қайтариб тараиди, мўйлов ва соқол кўйиган бўлиши мумкин.

**БЕДАРАК ЙЎКОЛГАН**

Челак тумани ИИБ томонидан **Файзулло Алимов** қидиримоқда. У 1983 йил туғилган, Н. Азимов жамоа хўжалиги, Ўртасарой кишлогоида яшаган; 9-синф маълумотига эга. 1998 йил 4 июль куни соат 16-17 лар атрофида ўйдан сабабсиз чиқиб кетиб, бедарак йўқолган. Ўзи билан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва шаҳодатнома бўлган.

Белгилари: бўйи 155-160 см., ўртча гавдали, бўғдойранг, сочи, қоши, кўзи қора, сочи калта олинган.

Қаландаров Қаландар, 1954 йилда Хонқа тумани Намуна қишлоғида туғилган. Хонқа тумани Фалаба жамоа хўжалиги 5-бўлимда яшаган.

Белгилари: бўйи 160-170 см, сочи қора, қоши ёйсимон, қулоғи катта, бурни тўғри, ориқдан келган, сурункали равишда спиртли ичимлик истеъмол қилиб юради.

Номлари қайд этилган шахсларни кўрган билганилар яқин ўтадаги милиция бўлинмасига ҳабар беришларини сўраймиз.

Алоҳида белгиси: чап қулоғининг орка қисмida жарроҳликдан қолган 3-4 см. ли чандик бор.

Кийимлари: эгнида кўк гулли ёзги синтетик кўйлак, оқ шим, оқ майка, қора труси, оёғида қора чарм туғли бўлган.

Ф. Алимовни кўрган-билганилар Челак тумани ИИБга 2-11-20 рақамли телефон ёки «02» орқали яқин ўтадаги милиция бўлинмасига ҳабар беришларини сўраймиз.

КҮЙ

(21 март — 20 апрель)

Душанба куни ижодий мұваффакиятта әрішасыз. Пайшанба куни ишбілармөнлик учрашуви күтилмоқда. Жума куни хонадонингизда келишмөвчилик көлиб чиқиши әхтимолдан холи эмас. Ушбу ҳафта давомида дүстлар билан ўтадиган дамларингиз күнбоқ ва ташвишсиз бўлиши күтилмоқда.

СИГИР

(21 апрель—21 май)

Мазкур ҳафта нисбатан тинч ва осуда бўлади. Кутимаган воқеалар рўй бермайди. Сешанба ва пайшанба кунлари баракали меҳнат қиласиз. Жума куни яхши харидан кўнглингиз кўтарилади.

ЭГИЗАКЛАР

(22 май—21 июнь)

Ҳафтанинг дастлабки кунлари келишмөвчилик ва жанжаллар келиб чиқади. Чоршанба — ижод



Мунағжимлар башорат қилади

3 — 9 август

кўтарилади.

БОШОК

(24 август — 23 сентябрь)

Сешанба куни ўзингизга керакли жиҳозини харид қиласиз. Сешанба — янги ишларни бошлаш учун ноқулий кундир. Пайшанба куни меҳнат ютуқларига әришасиз. Шанба куни яқин кишингиз алдаб кўйиши мумкин. Эҳтиёт бўлиниг.

АРСЛОН

(24 июль — 23 август)

Ушбу ҳафтанинг дастлабки кунлари ижодий ютуқка әришасиз. Сешанба куни битимни имзолашда иштирок этишингиз катта фойда келтиради. Пайшанба куни кувончили хабардан кўнглингиз төгдек

ТАРОЗИ

(24 сентябрь—23 октябрь)

Ҳафтанинг дастлабки кунлари ишга жиддий киришманг. Соғлигингиз бироз ёмонлашиши мумкин. Чоршанба куни олисдан телефон қилишларини кутинг. Бу — сиз учун муҳимдир. Жума куни гаройиб саргузаштадан күтилмоқда.

ЧАЁН

(24 октябрь—22 ноябрь)

Сешанба куни мўмайгина даромад ишлаб олиш имконияти бор. Чоршанба куни саломатлигингиз билан боғлиқ муаммолар безовта қиласиз. Пайшанба куни мұваффакиятли харид қиласиз.

ЁЙ

(23 ноябрь—21 декабрь)

Ишбілармөнлик борасида душанба омадли кундир. Сешанба куни бироз ишингиз юришмайди. Пайшанба куни кувончили янгиликлардан баҳраманд бўласиз. Дам олиш кунлари гаройиб саргузаштдан дилингиз яйрайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ

(22 декабрь — 20 январь)

Душанба — аввалги ҳафта да бошлаб кўйган ишингизни ниҳоясига етказиш учун кулай кундир. Чоршанба куни бироз кайфиятингизни ёмонлашади. Пайшанба куни иш жойингизда кебар топасиз.

лишмовчиликлар келиб чиқади. Шанба куни ижод билан шуғуланишингиз ўзингизга бўлган ишончи ортиради.

КОВФА

(21 январь—19 февраль)

Сешанба куни ҳамёнигизга пул тушади. Чоршанба — харидлар учун кулай кундир. Жума куни муҳаббат бобидаги муаммоларни ҳал этганингиз маъқул. Якшанба куни муҳим янгиликдан хабар топасиз.

БАЛИК

(20 февраль—20 март)

Душанба куни яқин кишиларнинг билан мұносабатингиз ёмонлашиши мумкин. Чоршанба куни чўнтағингизга пул тушиси кайфиятингизни кўтариб юборади. Эски қадрдонингиз билан пайшанба куни учрашидиз. Шанба куни кутимаган янгиликдан хабар топасиз.

Ўзбекистон
Республикаси ИИВ
Бирлашган таҳрирятি

МАНЗИЛИМИЗ:
700029,
Тошкент,
Юнус Ражабий
кўчаси, 1

Газета ҳафтанинг
жума кунлари
чиқади.

Бош муҳаррир
З. АТАЕВ.

Нашр учун масъул
Э. САТТОРОВ
(бош муҳаррир
ўринбосари в.б.)

Навбатчи:
С. ШАМСИДДИНОВ
Мусаххилар:
Н. Султонова
Г. Холикова
Сахифаловчи
К. Великанов

ТЕЛЕФОНЛАР:
бош муҳаррир — 139-70-40,
(088) 25-25 бош муҳаррир
ўринбосари —
139-77-23, масъул котиб —
139-77-23, мубирилар
бўлими 139-75-69.

Факс: 54-37-91.
Газета тарқатиш
масалалари бўйича
мурожаат учун:
тел.: 139-70-40,
факс: 54-37-91,
пейкер: (088) 36-97.

Бизнинг хисоб рақамииз:
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси
хисоб-китоб — касса
марказида:
21506000200447980001,
МФО 00014.

• Кўчириб босишида «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

• Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар хиебланади.

• Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят Фикрига мос тушмаслиги мумкин.

• Кўлёзмалар таҳлилни килинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компютерида терилиди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00007.
Буюртма Г — 0180
Ҳажми — 4 босма табоб.
Босилиш — оғсет усулида.

Босишига
топшириш
вакти — 19.00.
Босишига
топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 180.

88509
нусхада чоп этилди

«ШАРК» нашриёт-матбаа концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-йй.

1,2,3,4,5,6.

Спорт

ТЕРГОВЧИЛАР

БЕЛМАШДИЛАР

да Нақлиёт ИИБ терговчилари ишларнинг яхшилигидан.

Шахсий биринчиликда Андижон тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, милиция подполковники Раҳимжон Каримов, Хоразм вилояти Питнак шаҳар ИИБ катта терговчиси, милиция майори Эрназар Ражабов, ҳамда Тошкент шаҳар, Мирбод тумани ИИБ катта терговчиси, милиция майори Завар Муҳаммединов, милиция катта лейтенанти Қаҳрамон Азизов ҳамда Жиззах тумани ИИБ катта терговчиси, милиция капитанни Раҳимжон Худойкуловлар биринчи, иккича ва учинчи ўринларни эгаллашга мұваффақ бўлдилар.

Жамоалар ўртасида танловнинг барча турларида қатнашиб, юқори кўрсаткичларга әришган Андижон вилояти ИИБ тергов жамоаси галибликни кўлга киритди. Хоразм ва Навоја вилояти ИИБ тергов бўлимларини иккича ва учинчи ўринларни эгаллашади.

Танлов якунидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғи, милиция подполковники А. Азизов голиб жамоа ва ходимларни табриклиди.

З. ЙУЛДОШЕВ, милиция подполковниги.

САРАПАШ ЎЙИНПАРИ

Пойтахтимиздаги «Динамо» ўйингоҳида футбол бўйича милиция генерал-майори К. Гофуров хотирасига багишланган, бир вақтнинг ўзида Республика ИИВ чемпионати ҳисобланган мусобақанинг «А» гурухида саралаш ўйинлари бормоқда. Беллашувларда 20дан ортиқ жамоалар иштирок эталди.

Тошкент гурухида Қарақалпогистон Республикаси ИИВ, республика ИИВ Жазони ижро этиши Бош бошқармаси, Хоразм вилояти ИИВ ва Республика ИИВ Ёнгидан сақлаш олий мактаби вакилларини куч синашмоджалар. Бундан ташқари Наманган ва Термизда кичик гурухларда саралаш баҳслари бўлиб ўтапти. Самарқанд ва Бухорда эса ниҳоясига стди.

Агар ушбу турнир тарихига назар ташласак, уч йил давомида Фарғонга ва Тошкент вилоятлари жамоалари голиб бўлишганини кўрамиз. Ўтган йил эса Республика ИИВ Академияси футболчилари шоҳсупланнинг юқори погонисига кўтарилиди. Эндижда улар турнир мезбони сиғатиди финал бошқарыши, иштирок этишади.

«А» гурухидаги саралаш ўйинларининг натижалари кўйидагича: Республика ИИВ Ёнгидан сақлаш олий мактаби — Хоразм вилояти ИИВ — 6:1, Қарақалпогистон Республикаси ИИВ — Республика ИИВ Жазони ижро этиши Бош бошқармаси — 1:6.

Ўз мухбириими.

«ОЙБУЛОҚ» КЎЙНИДА

Чакилкалон тоф тизмасининг-хушманзара ва сўлим кўйнида Каҳқадарё вилоятини «ИИБ» қарашли «Ойбулоқ» оромгоҳи жойлашган. Ҳар йили бу жойда ичишлар идораларни ходимларининг фарзандлари ёзги таътили күнбоқ ва соз ўтказиши. Болаларнинг яйрабайнашлари учун барча шаҳарларни ўтказишинига яхшилигидан.

Оромгоҳдаги тарбиявий ишларга Қарши давлат университети талабалари жалб этилган. Улар кизикларни тўғарак машгулотлари ташкил этишади. Дам олувчиликларга иссиқ оқиётдан ташқари турли ҳол мевалар, шарбатли ичимликлар берил борилмоқда. Мұхым, болажонларнинг ёзги таътили мазмунли ўтлаёт.

**К. ПРИМОВ,
милиция капитани.**

КРОССВОРД

Энита: 4. Маълум тартибини ҳимоя қилувчи тизимга эга бўлган мустакил ҳокимиёт. 5. Ўтган ёки замондош ёзувчи асарига жавоб тариқасида ёзилган янги асар. 11. Мевали дарраҳтинг илк ҳосили. 12. Аёллар сиймосини маҳорат билан ижро этган хинд кинно юлдузи. 15. Бирор маълумотни инкор этивчи, асосизлигини исботловчи расмий баёнот. 16. Таъми ширин, хушбўй жануб меваси. 23. Қадимда хонлар саройидаги юқори амаллардан бири. 24. Покистондаги шаҳар, Синд вилояти маркази. 28. Баъзи буюмларга ашё сифатида ишлатиладиган хардумлини юнори юнори тиши. 29. Ҳонанда Таваккал Қодиров ва ижро этган лирик қўшиқ.

Бўйига: 5. Йирик маъмурӣ-худудий бўлинма. 7. Шарқ табобатида кўлланиб келинаётган кўп йиллик ёввойи, заҳарли гиёҳ. 8. Тигли курол тури. 9. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 10. Милтиқ ўқи қисми. 18. Уриб чалинедиган миллий мусиқа асбоби. 19. Пўстлоғи зиравор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 20. Ўтқир Ҳошимовнинг «Қалбинга кулоқ сол» қиссаси қархамони. 21. Жануби — Шарқий Овропадаги ярим орол. 22. Марказий Осиёдаги тарифи. 26. Ҳажвий роллар устаси бўлган ўзбек киносанъаткори, ҳалқ артисти. 27. Таниқди ўзбек математик олими, жамоат аён бўлади. Ушбу мис

ралар XII—XIV асрларда яшаб, ижод этган Ҳинд Эрон ва Марказий Осиёдаги маданиятининг мумтоз намояндадаридан бири Аминиддин Абулҳасан Ҳусрав Дехлавий қаламига мансуб.

1. Ўзбек мумтоз шоири, олими, давлат арбоби ва саркардаси — 6, 2, 6, 14, 13.

2. Сайд Аҳмаднинг саҳналаширилган асари — 14, 16, 12.

3. Қобул — Қандаҳор автомобиль йўлидаги тарихий шаҳар, вилоят маркази — 15, 9, 11, 3, 9.

4. Faғur Гуломнинг 30-йилларда ёзилған қиссаси — 17, 5, 4, 2, 13.

5. Кичик бадиий асар — 10, 9, 8, 9, 7.

6. Эркин Воҳидов қасидаси — 1, 3, 8, 2, 3.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Газетамизнинг аввалги сонида ёритилған «Номдошлар» чайнокросвординг жавоблари: